

# ДИНИМИЗ АМР ЭТГАН ЯХШИЛИК

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبُلُغَنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ وَلَا لَنْهَرَهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذُّلِّ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا

«Парвардигорингиз, фақат ўзигагина қуллик этишингизни ва ота-онага яхшилик қилишингизни қатъий ҳукм этди. Агар уларнинг бирлари ёки иккиси ҳузурингизда кексаликка етса, уларга «уф» деманг ва қичқирманг. Ва уларга юмшоқ сўзланг! Уларга меҳрдан хокисор бағрингизни юмшоқ қилинг! Ва: «Парвардигоро, улар мени гўдақлигимда тарбиялаганлари сабабли уларга раҳм эт», деб дуо қилинг!» (Исро, 23–24-оятлар мазмуни).

Инсон вужуди оламдаги энг мукаррам ва шарафли хилқатдир. Инсоннинг бу мақомини Аллоҳ таоло ўзи белгилаган. Инсонни бу мақомга муносиб бўлмаган ишлардан огоҳ этган. Аллоҳдан ўзгага қуллик қилиш инсонлик мақомига номуносибдир. Амрнинг боиси шундан.

Аллоҳ таоло ота-онани инсон вужудининг сабабчилари қилди ва фарзанд ота-онасига яхшилик қилишини қатъий ҳукм этди. Ояти каримадаги "аҳсон" калимаси ақлан ва табъан яхши ва лаззатли ҳисобланган сўз, феъл, озуқа каби барча маънога шомилдир. Ота-онага яхши сўзлаш, кўполлик қилмаслик, тотли таомлар ва бежирим кийимлар тортиқ қилиш фарзанд зиммасидаги Аллоҳнинг амридир.



Ота-она мақоми шунчалик улугки, улар олдида фарзанднинг "уф" дейишга ҳам ҳаққи йўқ, уларга қичқириш ҳаром. Фарзанд ота-онасига фақат ширин сўзлаши, куч-қувватдан қолиб, меҳрга ташна бўлган чоқларида юмшоқлик билан уларни парваришлаши лозим.

Ота-онанинг фарзанддаги ҳақларини молу дунё билан адо этиб бўлмайди. Фарзанд уларга бор меҳрини берган тақдирда ҳам уларнинг ҳақларини адо этолмайди. Бу ишларга муносиб мукофотни Аллоҳ таоло беради. Фарзанд Раббига илтижо этиб, уларга раҳм қилишини тиламоғи керак. Зеро, Аллоҳнинг раҳмати инсон учун юксак неъматдир.

خَيْرُ النَّاسِ مَنْ طَالَ عُمُرُهُ وَحَسَنَ عَمَلُهُ  
لَيْسَ مَنْ مَنَّا مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا  
وَ يَعْرِفُ حَقَّ كَبِيرَنَا

\*\*\*

\*\*\*

«Кичикларимизга раҳм қилмайдиган ва катталаримизнинг ҳақини билмайдиган киши биздан эмас».

Имом Муслим ривояти

«Одамларнинг яхисиси узоқ умр кўриб, шу умрини яхши амал билан ўтказганидир»

Имом Муслим, Имом Аҳмад ривояти

## МУНДАРИЖА

<i>Қарияларни қадрлаш йили</i> Динимиз амр этган яхшилик .....	1
<i>Амри маъруф</i> Қамолиддин ИНОЯТУЛЛОҲ ўғли Қалб ҳаёти .....	5
<i>Тафаккур</i> Тоҳир МАЛИК Шудринг томчилари .....	14
<i>Шеърият</i> Йўлдош ЭШБЕК Лиммо-лимдир ишқ билан қалбим .....	20
Абдулҳай НОСИР Отам кўнглин ололмадим .....	21
Мақсуд ФАЙЗИ Тавба қилдим .....	21
<i>Ибодат</i> Мубашшир АҲМАД Мўминнинг ҳурмати улугроқ .....	23
<i>Мерос</i> Ақл қайроғи .....	24
<i>Фиқҳ</i> Уста ОЛИМ Мамнун ҳолда адо этинг .....	25
<i>Амри маъруф</i> Илм талабида чиқиш .....	25
<i>Ибратли ривоятлар</i> Амаллар сандиғи .....	26
<i>Сўранг, жавоб берамиз</i> .....	27
<i>Тиббиёт бурчаги</i> Н. ВЎКЕР Сабзавот шарбатлари дардларга даво.....	28
<i>Дам олиш саҳифаси</i> Бошқотирма .....	32
<i>Биласизми?</i> Сандалнинг ҳикмати .....	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Ҳаж хикматлари  
Уста ОЛИМ

4

## ЭНГ ЯХШИ ОЗУҚА

Эҳромга кирган киши аёлига яқинлик қилмасин, яқинликка олиб борувчи ҳаракатлардан тийилсин, уят сўзларни оғизга олмасин, гуноҳ қилмасин, ҳамроҳлар билан тортишмасин-жанжаллашмасин.

Давра суҳбати

6

ҚУРЪОН, ҚОРИЛАР  
ВА ҚИРОАТ ИЛМИ

Саҳобалар ҳаёти  
Абдусаттор аш-ШАЙХ

10

## АБДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД

Ибн Масъуд саҳобайи киромларнинг ва ҳофизи қуръонларнинг улугларидан эди. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларини Қуръонни Ибн Масъуддан олишга ундашлари бунга етарли далилдир.

Оила  
Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН

16

## ЭР-ХОТИНЛИК АСОСЛАРИ

Йигит ва қиз, эр ва хотин билимли бўлишлари учун, турмуш қуриш арафасида турганлар ҳамда эр-хотинлар муҳтож бўлган ҳукмларни жамлаб, китоб ёзди.

Хабарлар

### Талабалар ҳажга боришди

19

Русия Ислом университети-нинг етти нафар энг аълочи талабалари бу йил ҳажга боришди. Улар Ислом дини ва тарихини ўрганишдаги муваффақиятлари, жамоатчилик ишида фаолликлари учун бундай улуг мукофотга лойиқ кўрилди.



Дарсхона  
Муҳаммад СИДДИҚ

22

## НАМОЗ ВАҚТЛАРИ

Пешин намозининг вақти қуёш оғандан ҳар бир нарсанинг сояси ўз бўйининг икки баробарига етгунчадир. Қуёш оғишга келгандаги соя бунга кирмайди.



Тарих  
Акмал АВАЗ

28

## УЗУК

(Етти кўринишли воқеа)

**Абдуллоҳ:** ...Ва яна дедик...

**Хорун:** Гапир, сўзла! Кейин нима деди?

**Абдуллоҳ:** Мени маъзур тутинг, амирим, айтолмайман...



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Беш муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир хайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ  
Фозил қори СОБИР  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Анвар ТУРСУН  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Сирожиiddин АҲМАД  
Абдуқаюм ҲИКМАТ  
Нуриимон АБУЛҲАСАН  
Абдулжалил ХЎЖАМ  
(Беш муҳаррир ўринбосари)  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Тартибловчи

Қудрат ЖУМА ўғли

Компютерчи

Нилуфар СОБИРЖОН қизи

Мусаҳҳиҳа

Волида ПИРНАФАС қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:  
Фаргона вилояти — 8. 3732. 24-25-28  
Директори Салоҳиддин Нуриддин  
Андижон вилояти — 8. 3742. 24-34-04  
Директори Ўқтам хожи Умурзоқ  
Қашқадарё вилояти — 8. 37522. 4-64-06  
Директори Бозоров Рустам

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,  
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.  
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот  
қўмитасида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 00079.  
Босишга 2002 й. 18 февралда рухсат берилди. Бос-  
махонага 2002 йил 21 февралда топширилди. Қо-  
ғоз бичими 84x108<sup>1/16</sup>. Адади 7215 нусха. 36-сон бу-  
юртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди. Манзили:  
Тошкент, Муқимий к., 178-уй.  
Интернет почтамаиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Макет асл нусхаси Pentium-III  
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайдди, тақриз қилинмайдди.  
Мақолалар хат орқали юборилганда исми шарифлар  
тулиқ ёзилиши, манзил тўғри кўрсатилиши шарт.





## ЭНГ ЯХШИ ОЗУҚА

Аллоҳ таборака ва таоло Қуръони каримда марҳамат қилади:

الْحَجُّ أَشْهُرٌ مَّعْلُومَةٌ فَمَنْ فَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفَثَ  
وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِي الْحَجِّ وَمَا تَفَعَّلُوا مِنْ خَيْرٍ  
يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَتَكْرُوهٌ وَأَفَاتٌ خَيْرٌ لِّلرَّادِ النَّقْوَىٰ وَاتَّقُونِ  
يَأْتُوا لِي الْأَلْبَابِ

*«Ҳаж вақти маълум ойлардир. Ким у вақтда ўзига ҳажни лозим қилса, ҳажда аёл билан яқинлик қилишдан, гуноҳдан ва тортишишдан сақлансин. Қандай яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни билади. Озуқангизни олинг! Энг яхши озуқа тақводир. Эй ақл соҳиблари, азобимдан қўрқинг!»*

*«Ҳаж вақти маълум ойлардир».*

Ҳаж Иброҳим алайҳиссалом даврларидан бери адо этилиб келишини биласиз.



Шаввол, зулқаъда ва зулҳижжа ойининг олдинги ўн куни ҳаж вақтларидир. Ҳаж амалларини ана шу муддатда бажариш керак.

*«Ким у вақтда ўзига ҳажни лозим қилса, ҳажда аёл билан яқинлик қилишдан, гуноҳ ва тортишишдан сақлансин».*

Ҳажга ё умрага эҳромга кирган киши муайян талабларга риоя этсин: аёлига яқинлик қилмасин, яқинликка олиб борувчи

ҳаракатлардан тийилсин, уят сўзларни оғизга олмасин, гуноҳ қилмасин, ҳамроҳлар билан тортишмасин-жанжаллашмасин. Аслида, бу ишларнинг баъзилари барча ҳолда, яъни, бошқа пайтларда ҳам мусулмон учун нораводир, аммо ҳаж чоғида жуда ҳам қабиҳдир. Гуноҳлардан покланиш умидида ҳажга ният қилган кишининг бундай ишларни қилиши ақлсизликдир.

*«Қандай яхшилик қилсангиз, Аллоҳ таоло уни билади».*

Ва ажрини тўкин беради. Бинобарин, фурсатни беҳуда кетказманг. Хайрли ва солиҳ ишлар қилиб, тўла покланинг.

*«Озуқангизни олинг! Энг яхши озуқа тақводир».*

Ҳаж сафарига етарли озуқангизни олиб чиқинг. Шерикларингизга оғирлигингизни солманг. Ҳиссий озуқангизни ғамлар экансиз, маънавий озуқангиз — тақво энг яхши озуқа эканини унутманг.

*«Эй ақл соҳиблари, азобимдан қўрқинг!»*

Бажарадиган барча ишларингизни, ақл ва ҳикмат тақозо қилганидек, Аллоҳ таоло азобидан қўрқиш ҳисси билан адо этинг!





## ҚАЛБ ҲАЁТИ

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا

Бу амри илоҳийнинг маъноси: «Эй мўминлар, Аллоҳни кўп ёд қилинг!» (Аҳзоб, 41).

Аллоҳ таолони кўп ёдлаш банда учун, унинг қалби учун балиққа сув қандай зарур бўлса, шундай зарурдир. Зеро, Аллоҳни ёд этиш қалбнинг ҳаётидир.

Шундай экан, Аллоҳни қандай ёд этмоқ керак?

1. Куръони каримда ва Пайғамбар алайҳиссалом ҳадиси шарифларида келган Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларини билиш, уларни ёд олиш, маъноларини тушуниш, ҳудудларини муҳофаза қилиш, маъноларининг тақозосига риоя этиш ва улар билан Аллоҳ аzza ва жаллага илтижо қилиш ана шундай ёд этишга киради.

Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Аллоҳни ёд қиладиган билан ёд қилмайдиганнинг ўртасидаги фарқ тирик билан ўлик ўртасидаги фарқ кабидир» (Бухорий ривояти).

2. Аллоҳ таолога тасбеҳ, таҳлил, ҳамд-сано айтиш билан.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: «Тилга енгил, тарозуда оғир, меҳрибон Аллоҳга суюкли икки калима бор. У «Субҳоналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳоналлоҳил-ъазийм»дир (Бухорий ва Муслим ривояти).

«Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, дилдан эртаю кеч ёд қилинг ва гофиллардан бўлманг!» (Аъроф, 205).

3. Аллоҳнинг амрларига бўйсунуш ва таққларидан сақланиш билан.

Бунинг учун диний илм зарур.

Диний маълумотли киши шариат аҳкоми-ни, Куръони карим ва ҳадиси набавийларни ўрганиш билан уларга амал қилиб, ўзгаларга ҳам ўргатади. Бу нарса шахслар ва жамият ислоҳи учун зарурдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом муборак ҳадисларидан бирида шундай деганлар: «Шайтонга бир фақиҳ (диний ҳукмларни билувчи) мингта обиддан кучлироқдир».

4. Куръон ўқиш билан.

Куръон ўқувчига хотиржамлик, ором ва раҳматлар тушиши ҳақида Пайғамбар алайҳиссалом хабар бериб, шундай марҳамат қиладилар:

«Масжидда жамъ бўлиб, Аллоҳнинг китобини тиловат ва дарс қилган қавмга хотиржамлик тушади, уларни раҳмат қоплайди, фаришталар уларни ўраб оладилар»;

«Сизларнинг яхшиларингиз Куръонни ўрганиб ва уни ўргатганларингиздир» (Имом Бухорий ривояти);

«Куръонни ўқинглар, чунки у қиёмат куни соҳибига шафоат бўлади» (Муслим ривояти).


5. Аллоҳга ёлвориш, гуноҳларни кечиришини сўраб дуо қилиш билан.

Пайғамбар алайҳиссалом марҳамат қиладилар: «Дуо ибодатдир». Банда дуо билан Аллоҳга яқин бўлади. Ким дуо қилмаса, Аллоҳ ундан газабланади. Ҳатто оёқ кийимларимизнинг ипини ҳам Аллоҳдан сўрамоғимиз лозим, чунки Аллоҳ осон қилмаса, уни ҳам топиш қийин бўлади.

Ҳаётимизни Аллоҳнинг ёди билан ўтказишни Ўзи барчамизга муяссар этсин.

Камолиддин  
ИНОЯТУЛЛОҲ ўғли

# ҚУРЪОН, ҚОРИЛАР ВА ҚИРОАТ ИЛМИ



*Рамазон ойи ортида қолди. Унинг таровати, рўза ибодатининг ҳаловати, илоҳий каломнинг бир ой давомида қайта ва қайта янграши бу гал ўзгача бўлди. Жомеълар намозхонлар билан лиқ тўлди, сомеъларнинг кўзларидан ёшлар келди. Тошбағирлар эриди, диллар яйради.*

*Аллоҳнинг марҳамати билан Қуръони каримни ёд олган қорилар Рамазонда хизматда бўлдилар. Қувваи ҳофизаларини яна бир имтиҳондан ўтказиб олдилар. Табиийки, Аллоҳ таолодан қўрқувлари ва тазарруъларини яшира билмадилар. Ҳар он, ҳар замонда титраб ўзгарган мунгли товушлар ва жиққа ёшга тўлган кўзларда ҳолатлар ошкор бўлиб турди.*

*Таровех намозларидаги тиловатлар тинди. Аммо Рамазондаги гўзал ҳолатларни, қориларнинг савиясини баҳоловчи фикр-мулоҳазалар ҳали-ҳали эшитилиб турибди.*

*Дарвоқе, Қуръони каримни ўқишнинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Аллоҳнинг китобини тўғри ўқиш шарт. Акс ҳолда маъно бузилади. Тажвид илми шуни ўргатади.*

*Рамазондан кўнгишларда бир энтиқиш, Аллоҳ китобини ёд олишга ҳавасланиш билан чиққан журналхонларга айни масала юзасидан маълумот бериш учун устоз қори домлаларни чорлаб, бир давра суҳбати уюштирдик. Давра суҳбатида қироат илмининг олтин занжирини бугунимизга улаган муҳтарам устоз Абдулазиз қори ота, Имом Бухорий номидаги Тошкент Исломи институтини мударриси, устоз Салоҳиддин қори домла, «Кўкалдош» ўрта-маҳсуе Исломи билим юрти мударриси устоз Зоҳиджон қори, Тошкент Исломи институтини қошидаги «Таҳфизул Қуръон» бўлимининг мударриси, устоз Саиджамол қори, «Ҳидоят» журнали Дин асослари бўлими мудирини Муҳаммад Шариф Жуман иштирок этишиди.*

*Суҳбатни журналнинг бош муҳаррири Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон олиб борди.*

## Нуруллоҳ Муҳаммад

**Рауфхон:** Аввало, таҳририятимизга хуш келибсизлар. Бугун ғоят жиддий бир масалада — Қуръони каримни ўқиш одоби ва қориларимиз қироати хусусида суҳбатлашсак. Чунки ўтган Рамазонда мамлакатимизнинг қарийб ҳамма жойларида Қуръон хатмлари бўлиб ўтиши, қориларимизнинг кўпайгани, услубларнинг турфалиги шуни тақозо этмоқда.

## Устоз Абдулазиз қори

**ота:** Қуръони каримни қандай қироат этишни Жаброил фаришта Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга, пайғамбаримиз эса саҳобаларга, саҳобалар тобеъинларга ўргатганлар. Бу илм шу олтин занжир-силсила билан то бизнинг кунларгача етиб келди.

Қуръонни ўқишда тажвидга қатъий амал қилиниши керак. Тажвид нима? Устозлар:

«Тажвид машойихларнинг оғзидир», деганлар. Бунинг маъноси шуки, қироатни устозсиз ўрганиб бўлмайди. Тажвид илми хусусида не-не китоблар ёзилган. Масалан, Жазарий ҳазратлари айтадики: «Вал аҳду бит-тажвиди хотмун лазимун, ман лам йужаввидул Қуръана ʻасимун». Яъни, аҳдга кўра, Қуръонни тажвид билан ўқиш лозимдир. Кимки Қуръонни тажвидсиз ўқиса, гуноҳкор бўлади.



Мен Қуръон қироатини силсила давомчиси, ижозатли устозим Рўзи қори домладан ўрганганман. Рўзи қори домла Мовароуннаҳрдагина эмас, бутун арабу ажамда машҳур эдилар. Шу йил Рамазоннинг Қадр кечаси Маккада бўлганимизда, «Рўзи қори домланинг шогирдиман», дея кўп араблар келиб, мен билан эски қадрдонлардек қучоқлашиб кўришдилар.

Бундай домлаларимиз ўз даврида халқимизнинг ҳидоятига сидқидилдан хизмат қилиб ўтдилар. Ҳозир шуларнинг давомчилари, булоқлар ҳар жой-ҳар жойдан чиқиб, анҳор бўлиб оққанга ўхшаб, алҳамдулиллаҳ, кўпайиб бормоқда.

Биз қориларимиз кўплигидан шуқр қилмоғимиз керак. Устозлар ҳам уларни эҳтиёт қилишсин. Қўлдан келганча, уларга одоб-ахлоқ, Қуръон риояларини ўргатишсин.

**Устоз Зоҳиджон қори:** Алҳамдулиллаҳ, бу йил ҳам масжидларда устозларимиз тарбиясида етишиб чиққан қориларимиз хатми Қуръон қилишди. Улар турли услублари, устозларнинг кўрсатмалари ва чиройли, хуш овозлари билан биз бандаларга Аллоҳнинг омонати — Қуръони каримни етказишди.

Устоз Абдулазиз қори ота тажвид илми хусусида жуда ўринли мулоҳазаларни айтдилар. Зотан, ҳар бир устоз шогирди учун жавоб беради. Шу боис устоз шогирдига ҳар бир ҳарф ва сўзни тўғри талаффуз қилишни ҳамда маҳражидан чиқариб ўқишни ўргатиши шарт.

Қори укалармизга айтадиган бир гапим шуки, улар, аввало, Аллоҳнинг каломини ҳурмат қилсинлар, айти чоқда, унинг илоҳий бир омонат эканини, демак, инсониятга

бу Каломни ана шу омонатдорликни бутун ҳайбати билан ҳис этиб етказиш лозимлигини билсинлар. Бунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига қатъий амал этишлари зарур.

**Устоз Салоҳиддин қори домла:** Бугун қори бўлишдек хайрли ниятни кўнглига туккан ёшлар, фарзандларини қорилликка ўқитишни истаган ота-оналар кўп. Менинг назаримда, бунда, аввало, устоз танлашга эътибор лозим. Ўргатадиган устоз батажвид бўлмоғи керак. Тажвид қоидалари асосида таълим берилса, ёш болалар устознинг тўғри талаффузига кўникади. Қуръонни тажвидсиз мустақил ёдлаган баъзи кишилар набираларига ўша сура оятларини «ўргатиб» кўйишади. Бола нотўғри талаффуз асосида ёд олса, кейинчалик бунга тузатиш қийин бўлади. Қуръонни ҳар ким тўғри келган тарзда ўқийверса, қоидалар бузилиб кетади.

Қуръони каримни баъзилар жорий ёзувда ўрганмоқчи бўладилар. Бу иш тўғри эмас. Чунки кирилл ҳарфлари Қуръон лафзларини ифодамайди. Арабий имлони таниган тақ-

дирда ҳам, Қуръонни устозсиз ўрганиш тўғри бўлмайди. Чунки Қуръони карим матнида баъзи ҳарфлар борки, ўқилмайди ва, аксинча, баъзи ҳарфлар ёзилмаган, аммо уларни ўқиш зарур бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қуръони каримни овозларингиз билан зийнатланг», мазмундаги ҳадислари бор. Бунинг моҳияти, Аллоҳнинг китобини тажвидга риоя қилиб, устозлар ўргатганидек ўқинглар, демакдир.

Масалан, қоида бўйича бир алиф миқдорида чўзилиши керак бўлган мадди лозимни баъзи қориларимиз саккиз-ўн алиф миқдорида чўзиб, хатога йўл кўядилар. Баъзи қорилар эса, овозга — оҳангга маҳлиё бўлиб, тажвид қоидаларини бузадилар.

**Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон:** Устоз-шогирдлик масалаларида жуда яхши фикрлар билдирилди. Домла, сиз оҳанг хусусида тўхталиб яхши қилдингиз. Умуман, Қуръон қироатида оҳангнинг меъёри борми? Баъзан қироатда ҳатто мақом кўшиқларининг оҳанглари ҳам аралашиб юрибди.





**Устоз Абдулазиз қори ота:** Албатта, қироатда оҳанг масаласи ҳам муҳим. Оҳангга берилиш, тажвид қоидаларидан четга чиқиш мураттаб қориларда сезилмайди. Кўпинча чала қорилар оҳангга куч беришади. Ҳозир техника замони. Баъзилар ҳеч бир устозсиз магнитофондан ёдлаб ҳам қори бўламан деб ўйлашади.

Бизнинг Мовароуннаҳрда Қуръон имом Осимнинг қироти билан ўқилади. Қироатда чўзиш-чўзмаслик шунга асосланади. Араб алифбосидаги 28 та ҳарфнинг 17 та махражи ҳам шу қироатга мувофиқ бўлиши керак.

Мен бу ўринда бошқа бир муаммони ҳам эслатиб ўтмоқчиман. Шу ўтган Рамазон ичи гувоҳи бўлдим: баъзи қориларимиз хатми Қуръон охирида витр ўқиётиб, баъзан ўз лафзлари билан намоз ичида дуо қилдилар. Улар бунимиздан кимдан ўрганишди? Намозда бундай жаҳрий дуо қилишга бирор устоз фатво бердимиз?

Намоз ичида бандан бўлган дуолар дуруст эмас, намозга ҳалал етади. Бу йил икки жойда шундай дуони эшитдим. Келгуси йил яна кўпайса, қан-

доқ бўлади? Бу масалаларда жуда эҳтиёт бўлиш керак.

### Муҳаммад Шариф

**Жуман:** Абдулазиз қори отанинг гапларини мен ҳам қўллаб-қувватлайман. Ҳар бир масжид хатми Қуръон тартибига ўзича янгилик олиб кираверса, бунинг оқибати яхши бўлмайди.

Шунинг учун қориларимиз намознинг қонун-қоидаларини ҳам мукамал билмоқлари керак. Чунки юзлаб, минглаб жамоат таровеҳда уларга иқтидо қилади, ахир.

Аввало, қориларимиз Қуръонни ўқиш ва ёдлашдан мақсад динимизнинг устун бўлган беш вақт намоз мукамаллигини таъминлаш эканини эътибордан қочирмасликлари зарур. Обрў-эътиборга, ном қозонишга интилувчилардан фарқли ўлароқ, тўғри-халис ниятда бўлган қорилар тажвидга амал қилдилар. Тажвид риоясидан аста-секин қорининг услуби юзага чиқади. «Мажалисул аброр» китобида ёзилишича, икки хил хато бўлади:

*биринчиси*, товушни ўз ўрнидан (махражидан) чиқармаслик;

*иккинчиси*, тажвидда кўрсатилган қоидаларни бузиш.

Ҳар икки хатонинг ҳукми бир хил, яъни, қироатнинг ҳалали бўлади.

Абдулазиз қори отанинг фикрига қўшимча қилиб демокриманки, хатми Қуръонда таровеҳ намозидан сўнг витрда қунут дуосини овоз чиқариб ўқиш, хоссатан, бизнинг ҳанафий мазҳабга тўғри келмайди.

Бундай ҳолатларнинг олди олинмаса, улар зўрга босилган ички келишмовчиликларни яна қўзғаб қўйиши хавфи бор. Буни ўнглашда асосий масъулият устозга тушади.

### Устоз Абдулазиз қори

**ота:** Устозларга яна бир насиҳат. Шогирдларига бир нарсани уқтириб қўйишларини сўрар эдим. Қорилар Рамазон ойида бир неча бор хатмга ўтишади. Биласизми, Рамазонда Қуръонни бир марта хатм қилиш суннатдир. Қори бошқа бир масжидга хатм қилиш учун бораётганида, масалада унинг шarti шуки, иккинчи хатмини қори ўзига назр қилади. Демак у: «Шу янги жамоатга Қуръонни хатм қилишни ўзимга назр қилдим», деб бориши керак.

Акс ҳолда, ўша жамоатнинг ўқиётгани суннат, бу қорининг иккинчи хатми эса унга нафл бўлиб қолади. Нафлга суннат эргашмайди, ахир.

### Муҳаммад Шариф

**Жуман:** Яна бир ҳолатга эътиборни жиддий қаратиш лозим. Баъзан хатмини икки-уч кунда битиришга интилишлар бўлиб турибди. Ҳолбуки, қироат тезлигининг ҳам ошиб ўтиб бўлмас чегара-меъёрлари бор. Аввало, ҳар бир товуш ўз ўрнидан чиқарилиши; иккинчидан, ояглар маъноси англашилладиган даражада бўлиши керак. Чунки мақсад қанақадир ёқимли товушлар йиғиндиси эмас,



Қуръондир, ундаги илоҳий сўзларни бандаларга етказишдир.

**Устоз Саиджамол қори:**

Мана, устозларимиз кўп қимматли фикрларни айтиб ўтишди. Мен ҳам баъзи қўшимчаларни айтмоқчиман.

Тошкент Иелом институтининг «Таҳфизул Қуръон» бўлими уч-тўрт йилдан бери ёш авлодга Қуръони каримни ёд олдириш, тажвид қоидаларини ўргатиш билан шуғулланиб келади. Бизнинг бу ўқув даргоҳимизга баъзан бир-икки пора ёд олган ўқувчилар ҳам келишади. Агар улар устозсиз, тажвид қоида­сига риоясиз ёд олган бўлса, уларни ўнглаш жуда қийин бўлади. Абдулазиз қори ота тўғри таъкидлаганларидек:

*«Ал ҳифзу фи сугари*

*Кан-нақши балал ҳажари».*

Яъни, ёшликда, кичикликда ёд олинган нарса тошга ўйилган нақшга ўхшайди. Уларни йиллаб ҳарфларни маҳраждан чиқаришга ўргатамиз, аммо тил қургур яна ёшликда ёдларига муҳрланиб қолган нотўғри шаклга оғаверади.

Бугун Қуръони каримнинг қандай нашр-нусхасини танлаш ҳам муҳимга ўхшайди. Охирги пайтларда Мадинада нашр этилаётган Қуръон нусхаларида жуда кўп тажвид қоидалари бериб ўтилган. Масалан, сукунли нун билан танвинда бир қанча қоидалар бор. Танвинлар ихфоли жойда бошқача, гуннасиз жойда бошқача белги қўйиб ўқилади. Сукунли нун ҳам шундай. Баъзан сукун аломати қўйилмайди. Демак, бундай ўринда изҳор қилинмайди. Изҳор лозим бўлган ўринларда нунга сукун қўйилади...

Бундай тажвид қоидаларининг матнда берилиши талабаларга қўл келади, албатта.



**Устоз Зоҳиджон қори:**

Шу ўринда тақлид масаласини ҳам гапириб ўтиш керак деб ўйлайман.

Машҳур қориларнинг 20-30 йиллик тажриба туфайли эришган табиий малака­сига ёшларнинг тақлид қилиб чиқиши, овозларни ўша устозлар овозига ўхшатиб ўзгартиришлари, назаримда, уларни масхара қилишга олиб боради. Чунки устозлардан таҳсил олмай, уларнинг ижозатларисиз тақлидга берилиш шаръан дуруст эмас.

Яна бир гап. Ҳозирги техникавий замонда магнитофон, видео тасмаларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланиш керак. Масалан, қори устозларимиз бизга кўп гапириб берганларки, ўтган замонларда фарзандларининг қори бўлишини тилаган оналар боласини гўдак пайтидаёқ йўргаклаб, қорихоналарга ётқизи­б қўйиб, ўзлари, йиглаб қолса оларман, деб эшик ортиларига бориб ўтиришар экан. Бунда гўдак қалбига Қуръон қироати ўрнашган, албатта.

Бугунги кунда аёлларимиз ҳали фарзанд туғилмасиданоқ Қуръон тиловатини кўп эшитсалар, хўб фойдали бўлади.

Ҳалиги техника асбоб-ускуналарини шу йўлга хизмат қилдириш керак. Хонадонларимизда устозлар қироати шу маънода янграб турса, бунинг манфаати яхши бўлади, иншааллоҳ.

**Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон:**

Тақлимимизни ерда қолдирмай, таҳририятимизга келиб, қимматли фикрлар билдирганларингиз учун ташаккур. Албатта, қўйилган масалага доир зарур гапларнинг ҳаммасини бу суҳбатимизда қамраб ололмадик. Аммо буниси бошланиши, ҳали бошқа муҳтарам устозларимиз ва ўқувчиларимиз ҳам бу мавзуда қимматли фикр-мулоҳазаларини билдиришар. Шулар асосида, иншааллоҳ, келгусида яна кўп бор кўришармиз. Аллоҳ хайрли ишларингизда муваффақ қилсин.



**Баҳодир  
КАРИМ**  
*ёзиб о.и.и.*



Абдусаттор аш-ШАЙХ

# АБДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД

Қуръон соҳибларининг ва Ислом фақиҳларининг улуғи  
(вафоти ҳижрий 31-32 йил)

«Кўфа аҳли Ибн Умми Абдни (яъни, Абдуллоҳ ибн Масъудни) мандан устун қўяди. У мавқе жиҳатидан бизнинг энг юксагимиз, илмга лиқ тўла кўзачадир».

Умар ибн Хаттоб

## Муқаддима

Жоҳилиятга ботган араб қабилалари бўйлаб нубувват қуёши порлади. Бу қуёш уларнинг зулматларини ёритиб, кечаларини кундуз каби нуррафшон этди. Саҳобалар юлдузлар каби ул қуёшдан нур

олар, унинг гирдида айланар, ул мавжли денгиздан ҳўплаб ичар эдилар. Ер кенгликлари узра сочилиб, шимолу жануб осмонида балқиб, шарқу ғарб дунёсини ёритар, пайғамбарлик нурларини акс эттирар эдилар. Улар ҳақ ваҳий орқали нозил бўлган асосларни ўзларида жам этиб, жисман ер юзида юрсалар ҳам, руҳлари билан соғларни кучардилар. Қуръон таълими Қуръон оятларини ўқийдиган, у билан ҳидоятланадиган кишиларни пайдо қилди. Ислом, тузиб чиқиладиган қонунлар ва қотиб қолган назариялардан фарқли равишда, кўришиб турган воқеликка, ҳаракатланаётган жамиятга айланди.

Аллоҳ улардан рози бўлсин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ҳар ишда биринчилардан бўлдилар. Улар тақво ва диёнатнинг чўққиси, Аллоҳга берилиш ва ихлоснинг рамзи, илм ва амалнинг машъали, даъват ва ҳаракат шамчирогининг пилиги эдилар. Улар эгалламаган

бирон яхши хислат бормикан! Улар етиб бормаган етуклик борми! Аллоҳга қасамки, саҳобалар чучук, мусаффо, тоза ҳаёт сарчашмасидан сув ичдилар. Ислом қоидаларини мустаҳкамладилар, ўзларидан кейин гап-сўзга ўрин қолдирмадилар. Қуръон ва имонга асосланган адли билан қалбларни, ҳаракату салоҳият билан ўлкаларни фатҳ этдилар.

Саҳобалар нубувват тоқчасидан олган покиза, мусаффо меросни тобеъинларга қолдирдилар. Бундаги уларнинг санади Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам орқали Жаброил алайҳиссаломга, Жаброил орқали бутун оламларнинг Парвардигори Аллоҳга боғланадиган саҳиҳ олий санад эди. Улар (ўзларидан кейингиларга): «Мана бу Пайғамбаримизнинг сизларга аҳди, мана шу Раббимизнинг тавсияси ва бизларга юклаган фарзидир. Айнан шу тавсия ва фарз Парвардигор томонидан сизларга қилинаётган тавсия ва сизларга юкланаётган фарзидир», дердилар. Саҳобаларга хайру ҳиммат билан эргашувчи тобеъинлар уларнинг тўғри маслағи бўйича юрдилар, мустақим йўлдан уларга изма-из бордилар. Кейин бу тўғри йўлдан тобеъинларга эргашувчилар юрдилар, яхши сўзга ва мақталган йўлга ҳидоятландилар, ўзларидан олдингиларга нисбатан, сўзловчиларнинг энг ростгўйи айтганидек, «**Аввалгилардан кўпчилик, кейингилардан эса оз**» (Воқеа, 13—14, мазмуни) бўлдилар.

Баъзида киши, бу учар юлдузлар қайтмас бўлиб кетди, уларнинг сийрати кўздан

бутунлай ғойиб бўлди, деган ўйга ҳам боради. Лекин учар юлдузлар албатта қайтадилар, ўзларини тўсиб турган қуюқ булутларни парчалаб, уларни ёриб ўтадилар. Асрлар оша, даврлар ўтиши билан бу учар юлдузлар авлодлар йўлини ёритувчи машъал бўлиб қолаверади. Албатта, бунинг учун инсон уларнинг изини излаб кўзларини чарчатмоғи, уларнинг ҳаёти ичига кириб, нафсини ҳаракатга ундамоғи лозим.

\* \* \*

Саҳобаи киромлар ҳақида ёзиш, уларнинг ҳаёт хати битилган саҳифалар юзидан пардаларни кўтариш бизнинг зиммамиздаги ишдир. Фикрлар жанггоҳи қизиган, ўлчовлар эврилган бир даврда яшаётган эканмиз, давр бу ишни зиммамизга юклаган. Шунингдек, қуйидаги сабаблар ҳам саҳобалар ҳаётини ўрганишни бизга вожиб қилади:

— уларни тарбиялаган ҳақ динимизнинг улуғлигига далил келтириш; чунки саҳобаларнинг йўли улар тарбия топган асоснинг тўғрилигига, улар ичган булоқнинг софлигига далилдир;

— бу авлодни тарбиялаган, уларнинг қалбларини Аллоҳ тарафга буришга сабабчи бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фазилатларини баён қилиш;

— саҳобалар бу динни бизга етказган эканлар, Аллоҳ улар орқали ўзининг элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларини ва ёрқин сийратларини биз учун асраган экан, бунга вафо қилиш ва ҳоказо...

Саҳобаи киромлар ҳақида ёзар эканмиз, бундаги бизнинг тутган йўл буюк ва юксак тоғ қаршисида ўзининг кичик жуссаси билан ҳаё ва тортиниш ичида қолган кишининг тутган йўлига ўхшайди. У тоғ этагида туриб, гулчамбарлар билан безалган, дарахтлар билан зийнатланган чўққига қарайди. Тоғ ёнбағирларидан мушк ҳиди анқийди. У бу фусункор манзарани тасвирлайди. Тоғнинг жамолини, унинг гўзаллигини одамларга етказди. Саҳобалардан таралаётган хуш бўйларни, уларнинг амаллари берган ҳосилни, жаннати наимда Парвардигорнинг ўзи уларга ато этган яхшилиқни таърифлайди.

\* \* \*

Аллоҳ рози бўлсин, Ибн Масъуд ҳақида ёзишимнинг тарихи бундай:

Унинг номи қулоғимга кўп чалинади. Биронта ҳадис, таржимаи ҳол, тарих, адабиёт, тафсир ё фикҳ китоби йўқки, унда Ибн Масъуднинг номини учратмаган бўлсам. Сўнгра у ўзининг заиф жисми, жоҳилиятга ботган аввалги ҳаёти билан кўз олдимда гавдаланарди: куну тунларини Макка атрофидаги тоғу дараларда қўй боқиб, подачилик қилиб ўтказиб юрган Ибн Масъудга ҳаёлан боқарканман, қалбимда бир ҳурмат, кўзларимда ҳайронлик билан, ўзимга ўзим дейман: «Бу қандай улуг иш эканки, Ислом мана шу одамларни шундай баланд даражаларга кўтарган!»

Аввало, Ибн Масъуд ҳақидаги хабарларни жамлашга киришдим. Қирққа яқин катта саҳифа тўпладим. Сўнгра иш жиддийлашиб, тадқиқот уфқи кенгайди. Албатта, бу жараён энгил бўлмади, саҳифаларнинг ҳажми яна каттарди. Хуллас, учинчи ва охириги уринишимда янада кенгроқ ва каттароқ манбалар қўлимга тушди. Улкан ҳажмда уларни тадқиқотга қўшдим. Китоб учун янги боблар юзга келди. Энди аввалдагидан олти баравар катта ва янги бир либосдаги асар пайдо бўлди.

Тан олишим керакки, Абдуллоҳ ибн Масъуд шахсини етарли даражада қамраб ололмадим, унинг шахсияти серқиррадир. Ундаги улуғ сифатларни қисқача шундай санаш мумкин:

— Ибн Масъуд ғайратли-ҳимматли зот эди, Аллоҳ йўлида ўзни бағишлашга хоҳиши зўр бўлганидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғазотларидан биронтасини қолдирмаган, барчасида қатнашган.

— Ибн Масъуд саҳобайи киромларнинг ва ҳофизи қуръонларнинг улуғларидан эди. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларини Қуръонни Ибн Масъуддан олишга ундашлари бунга етарли далилдир.

— Ибн Масъуд услубда нафислиги, фаҳмда нозиклиги, хулоса чиқаришда чуқурлиги, маслаҳат беришда, фикр уйғотишда бақувватлиги билан муфассирларнинг кўзга кўринганларидан эди. Ибн Касир тафсирига мурожаат қилсангиз, бунга амин бўласиз.



— Ибн Масъуд мустаҳкам фақиҳ ва вазмин қози эди. У фатво кетидан қувмасди, ҳукм чиқаришда иккиланмасди. Бу хусусда ажиб қиссалар бор.

— Ибн Масъуд Қуръон ўқитиш ва таълим беришда унга мерос бўлган ягона набавий услубга мувофиқ муаллим эди. У ўзидан сўнг Кўфада жуда кўплаб истеъдодли уламоларни етиштирди.

— Ибн Масъуд илм олишга рағбатли, илм таҳсилига берилган эди. Шунинг учун ҳам у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам суҳбатларида кўп бўлар, эшитгану кўрганларини қабул қилиш учун бутун маҳоратини сарфлар эди.

— Ибн Масъуд закий ва фаҳми ўткир, зийрак ва ҳушёр эди. Ҳар қандай ҳолатдан чиройли чиқа оларди, шубҳалар уни енголмасди. Ишлар чалкашиб, вазият кескинлашган пайтларда ўзини йўқотиб-довдираб қолмасди, балки охир-оқибатда муваффақият қозониб, ғолиб бўларди.

— Ибн Масъуд Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламини ҳурмат қилишни, у зотга тўла муҳаббат билан ёндашиш лозимлигини ан-

ларди. Кечаю кундуз, ҳамиша ва ҳар ерда Расулulloҳга хизмат қиларди.

— Ибн Масъуд охират азобларидан «оҳ» урувчи, гуноҳларга тавба қилувчи, қалби хушўли, кўзи ёшли, одобли, Аллоҳ таолонинг кўрқинчи ва умиди кўп, қазага рози раббоний обид эди.

Абдуллоҳнинг қалби бу сифатларнинг барчасини, балки ундан ҳам кўпрогини жамлаган. Бу сифатлар унинг нимжон жисмидан маскан топган. Мана шулар туфайли Аллоҳ таолонинг фазли билан Ибн Масъуд шахсига қизиқиб, қаерда бўлмасин у ҳақдаги хабарларни чуқурроқ ўрганишга ўзимда рағбат топдим. Бу муборак сийрат ҳақидаги бўлимларни ёзиб тугатганимга қадар кечасию кундузи шу машғулот билан банд бўлдим.

Бу изланишда батафсил ўрганилган ҳар бир маълумотни бирма-бир қайд қилишга суянмадим. Бу йўл кўп ва узундан-узоқ саҳифаларни тўлдиришимни талаб қиларди. Аллоҳ раҳматига олсин, Имом Заҳабий айтган эди: «Ибн Масъуднинг сийратини ярим жилд (бир жилд деса ҳам ҳақиқатга хилоф

*Хузайфа ибн Йаман розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулulloҳнинг ҳузурларида эдик, бизга дедилар: «Сизларнинг орангизда яна қанча туришимни билмайман. Мендан кейин мана бу икки кишига, Абу Бакр ва Умарга ишора қилди, эргашинглар, Амморнинг кўрсатмаси билан юринглар, Ибн Масъуд нимаики деса, уни тасдиқланглар».*

*Аллоҳ рози бўлсин, Абдуллоҳ ибн Масъуд шаънига юксак мақомдан туриб айтилган бундай муносиб сўзлар тарих саҳифаларида кўп учрайди.*

*Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Масъудни Кўфага жўнатар экан, у зотнинг изидан кўфаликларга йўллаган саломиди шундай сўз-*

*лар бор эди: «...Мадинаи Мунавварадаги мусулмонлар ҳаммамиз Абдуллоҳнинг илмига ташнаимиз. Лекин ўзимизни қўйиб, Абдуллоҳни сизларга юборяпман, фойдаланинглар. Унутмангларки, Мадинадаги бутун саҳобалар Абдуллоҳнинг илмига муҳтождир».*

*Ҳазрати Али розийаллоҳу анҳу халифа сифатида Кўфа шаҳрига кириб келган даврда бу ерда тўрт минг нафардан зиёд етук уламо бор эди. Уларнинг барчаси Абдуллоҳ ибн Масъуддан таълим олган эдилар. Бу ҳолатни кўрган ҳазрати Али розийаллоҳу анҳу шундай дедилар: «Абдуллоҳнинг мукофотини Аллоҳнинг ўзи берсин. Кўфани илмга тўлдириб қўйибди-ку!»*

## ИШОНЧЛИ

*Шундай уламолардан бири, дунё мусулмонларининг қарийб ярми амал қилаётган ҳанафийа мазҳабининг асосчиси, мазҳаббошимиз Ҳазрати Нўмон ибн Собит (лақаби Абу Ҳанифа, унвони Имоми Аъзам) ҳам Абдуллоҳ ибн Масъуднинг шогирдидир. Бунга амин бўлиш учун Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳининг «устозлик» силсиласига бир назар ташлайлик: Нўмон ибн Собит, устози Ҳаммоод ибн Сулаймон, унинг устози Иброҳим ан-Наҳабий, унинг устози Алқамма ибн Қайс, унинг устози Абдуллоҳ ибн Масъуд.*



бўлмайди) асарда жамлаш мумкин. У катта саҳобалардан, илмни муҳофаза қилувчилардан ва тўғри йўлга ҳидоят этувчи имомлардан биридир».

Ибн Масъуд шахсиятидаги яширин тарафларни очишда ёрдам берадиган барча ўринларни кўздан кечирдим. Албатта, бунда текширмасдан дуч келган маълумотлардан фойдаланмадим. Балки билимим доирасида, авваламбор, Аллоҳнинг менга берган тавфиқи билан тадқиқ қилишга, ҳақиқатни

юзга чиқаришга, қарама-қарши ва ўзаро мувофиқ ривоятларни саралашга интилдим. Буларнинг барчаси саҳобанинг таржимаи ҳолида таъкидланган қоидалар зимнида амалга ошди. Изланишимда ҳадис китобларига суяндим. Бу энг асосий таянч бўлди. Кейин тафсилларга, таржимаи ҳол, табақот, тарих китобларига мурожаат қилдим.

Бу ишда Аллоҳдан ёрдам сўрайман. Хожатмандларнинг дуосига жавоб бергувчи Зотга илтижоли қўлларимни чўзаман. Бу китоб туфайли менга, ўқувчига, ноширга ва барча мусулмонларга манфаат бўлишини Аллоҳдан сўрайман. Ва яна шу китоб туфайли қиёмат кунида мени халос қилишга кафил бўладиган ихлос билан ризқлантиришини, на мол, на фарзандлар фойда берадиган, магар Аллоҳ ҳузурига соғлом қалб билан борган кишигина нажот топадиган кунда бу китобни яхши амаллар саҳифасига ёзиб қўйишини, йўлнинг энг тўғрисида далолат қиладиган тавфиқ билан мени зиёда қилишини сўрайман.

(Давоми келгуси сонда)

## МАНБА

*Имоми Абзамнинг ушбу сўзлари ҳам ибн Масъудни ўзига устоз санаганлигига далилдир. Робиъ ибн Юнус ривоят қилади:*

*«Бир куни Абу Ҳанифа халифа Абу Жаъфар Мансур ҳузурига кирди. Уша ерда ўтирган Исо ибн Мусо халифа Мансурга:*

*— Бу киши замонамизнинг етук олими Абу Ҳанифадир, — деди.*

*— Эй Нуъмон! Таълимни кимдан олгансан? — деб сўради халифа.*

*Абу Ҳанифа деди:*

*— Умарнинг асҳоби орқали Умардан, Алининг асҳоби орқа-*

*ли Алидан, Абдуллоҳнинг асҳоби орқали Абдуллоҳ ибн Масъуддан олдим...*

*Шунда халифа Мансур:*

*— Ўзингга ўта ишончли манбаларни таплабсан! — деди.*

*Дарҳақиқат, Абдуллоҳ ибн Масъуд Ҳазрати Пайгамбаримиз Куръони каримни Жаброил алайҳиссаломга сўнг бор хатм қилганларида («Урзатул-охир»)да қатнашган, тафсир ва ҳадис илмини тўла эгаллаган, фикҳда тенгсиз бўлган ўта ишончли манбадир. Мазҳабимиз бошлиғи Имоми Абзам ана шу ишончли манбани маҳкам ушлаган.*

*Кишиларнинг мазҳабга эътиборсизлиги уларнинг мазҳаб ўзи шима, асослари кимлар эканини билмаганликларидандир, дейди*

*уламоларимиз. Бугунги кунда фикҳий мазҳабларга амал қилиш янада аҳамиятлироқ бўлиб бораётгани кўпчилик тан олган ҳақиқатдир. Чунки фикҳий мазҳабга амал қилиш турли ихтилоф ва келишмовчиликларнинг олдини олиб, ҳамма ўз мазҳабига амал қилгани ҳолда, ўзга мазҳабларни ҳам ҳурматлашига сабаб бўлади.*

*Шундай экан, бу улуг меросни эъвозлашимиз, ўрганишимиз ва ундан фойдаланишимиз зарур. Бу илмнинг асосчилари, устозлари бўлмиш улуг фақиҳларимизга ҳурмат назари билан қараб, ҳақларига яхши дуолар қилиш бурчимиздир.*

Мутаржим



Сабр гадони подшоҳ даражасига кўтариши мумкин. Сабрсизлик подшоҳни гадолик ботқоғига ботиради. Юсуф алайҳиссалом сабр қилган эдилар, юқори мартабага етдилар, Зулайхо нафсига банди бўлиб сабрсизлик қилган эди, унга хорлик ва шармандалик келди.

\* \* \*

Маҳаллага ўт кетиб, деярли барча уйлар ёнибди. Бу хабарни эшитган бир одам хавотирланиб, югуриб келаётган экан, кўшниси пешвоз чиқиб:

— Ташвишланманг, бутун маҳалла ёнди, аммо сизнинг уйингизга ҳам, дўконингизга ҳам ўт етмади, — деб суюнчилади.

Ҳалиги одам беихтиёр:

— Ё Аллоҳ, менинг мулкимни омон сақлабсан, ўзингга шукр, — деб қувонибди. Аммо уч-тўрт қадам юргач, қандай гуноҳга ботганини англаб, йиглаб юборибди. Зудлик билан истиғфор айта бошлабди.

Аллоҳ унинг мол-мулкани асрагани учун ҳамд айтган эди. Энди нечун тавба қиляпти?

Гап шундаки, унинг шукронаси замирида худбинлик мавжуд эди. Маҳалланинг куйиб кул бўлгани уни ташвишга сол-

*Давоми. Бошланishi ўтган сонларда.*

## ШУДРИНГ ТОМЧИЛАРИ

мади, биродарларига ачинмади, ўзининг уйи омон қолгани учунгина хурсанд! Аллоҳ уни синаш учун мулкани омон сақлади. Эртами-индин янада азоблироқ синов юбориши, балки бутун маҳаллани омон сақлаб, унинг мулкани кулга айлантириш мумкин-ку. Шу ҳақиқатни англагач, ҳалиги киши бор мулкани жабрдийдаларга улашиб, сўнгги нафасига қадар тавба қилган экан.

У-ку гуноҳини англабди, англамаганлар қанча? «Отилган ўқ тўнкага санчиладими, кўшнимнинг кўксигами — менга нима, ўзимга тегмаса бўлди» дейдиганлар озми?!

Бундайларга деймизки: «Нодонлик қилманг, биродар, кўшнингизга ўқ узган тўппонча тепкиси яна бир марта босилиши мумкин, балки иккинчиси тўнкага ҳам эмас, кўшнингизнинг кўксига ҳам эмас, айнан сизнинг пешонангизга аталгандир? Сиз Аллоҳдан «Кўшнимни паноҳингизга асра!» деб сўранг. Йиглаб-йиглаб юракдан сўранг. Шунда Аллоҳ сизни ҳам асрайди. «Кўшнимнинг ризқига барака бер», деб сўранг. Аллоҳ сизнинг ризқингизга ҳам барака беради.

Бир кишининг уйида сичқонлар кўпайиб кетибди. Дўсти мушук сотиб олишни маслаҳат берибди. «Йўқ, биродар, мушук олсам, сичқонлар кўшнимни кига қочиб чиқиб, уларни безовта қилади», дебди у одам.

Яна бир одам кўшнисининг камхаржроқ бўлиб қолганини сезса, уйида уч-тўрт кун қозон осдирмас экан. «Биздаги таомнинг ҳиди уларнинг димоғига урилиб, қийнамасин», дер экан.

Сиз балки: «Ундан кўра, кўшнисига пул берса ёки таом чиқарса бўлмайдами?» дерсиз. Гап шундаки, жоҳил кўшни

ҳадя, эҳсонни рад этиб, «Мен сенга гадоманми?» деб ўжарлик қилар экан. Бунақа ҳолларда «Мен бердим, сен ноз қилдингми, баттар бўл», деб маишатини қилаверадиганлар ҳам бор. Булар Аллоҳнинг синовини англамаган, гуноҳкор бандалардир. Эй Аллоҳим, бундайларга ўзинг инсоф бер!

\* \* \*

Бир одам иккинчисига ҳамдардлик билдирыпти. Зоҳиран шундай. Аслида эса, бу дардан тезроқ узоқлашишга ҳаракат қиляпти.

Бировнинг дардига кимнинг тоқати бор? «Дардингизга шерикман», дейиш фақат тилда. Агар одамлар ўзганинг дардига чин дилдан шерик бўлганларида эди, бу оламдаги дардлар парча-парча бўлиб кетармиди?

Бир чўпон йигит хўжайинига рўпара бўлиб, жилмайибди-да, уйга бориб келиш учун уч кунга рухсат сўрабди.

— Уч кун уйингда нима қиласан? — деб сўрабди хўжайин.

— Отам ўлибдилар, кўмиб келаман, — дебди йигит.

— Отанг ўлган бўлсалар, нега жилмайиб туриб рухсат сўраяпсан? — деб ажабланибди хўжайин.

— Отамнинг ўлими менинг дардим. Ғамнок қиёфага кириб сизни дардимга шерик қилишни истамадим, — дебди йигит.

\* \* \*

Турналар учиб келса, қалблар шодланади. Турналар учиб кетар маҳалда қалблар етим каби маъюсланади. Қарғалар учиб келганида биров қувонмайди, учиб кетса, биров ғамланмайди. Эй Раббим, одамларни хушлантирадиган бандаларингдан қилгин!



\* \* \*

Деворнинг тарихини, вазифасини биласизми? Деворни ким, қачон ва нима учун кашф қилган? Дастлабки девор-тўсиқлар шох-шаббалардан иборат бўлиб, экинзорни ёки боғни жониворлардан ихота қилади. Бундай тўсиқлар ҳозир ҳам қишлоқларда мавжуд. Тош, пахса, гишт деворнинг датлабки вазифаси, эҳтимол, хонадонни ёвдан, ўғри ё қароқчилардан ҳимоя қилиш бўлгандир. Ҳозир эса, бундай баланд деворларнинг яна бир вазифаси чиқди, ака-укалар бир-бирларидан озроқ ранжиб қолишса, ҳовли ўртасидан тўса бошлайдилар. «Кенгга кенг дунё, торга тор дунё», деганлар. Тор қалблар отадан мерос ҳовли ўртасида девор урмоқни ихтиёр этади. Бу иши имон ожизлигининг зоҳирдаги кўриниши, Аллоҳнинг, бир-бирларингизга меҳр-муҳаббатли бўлинглар, деган амрига итоат эмасликдир.

Ровийлар дерларки, бир ака хайри худойи ниятида қўй етаклаб қассобга бораётган экан. Шу онда унинг қулоғига бир овоз келиб, дебдики: «Эй Одам фарзанди, сен укангни ранжитгансан, аввал бориб ундан узр сўра, розилигин ол. Ораларингиздаги хафаликни қув. Ана ундан кейингина кўйингни сўй. Шундагина садақанг қабул бўлажак...»

Гишт деворни йиқиш мумкин, аммо қалблардаги кўринмас деворнинг қандай чораси бор экан? Қалбларда девор мавжуд экан, бу хонадонларда файз-барака бўлмайди. Файз-барака меҳр-муҳаббатли хонадонларга аталган.

Бир маҳаллада ака-укаларнинг узоққа чўзилган можароси ўртага девор олиш билан яқунланади. Жонга теккан можаронинг охирлаганидан, кўнгли тинчиганидан хурсанд

ака қўй сўйиб, худойи қилди, маҳалла аҳлини сийлади. Ажаб, Худонинг хоҳишига зид боради, яна «худойи» қилади!..

## Ривоят

Ота вафот этиб, ундан бир қопгина буғдой мерос қолибди. Ака-ука буғдойни тенг иккига бўлиб олишибди. Тунда уканинг кўзидан уйқу қочиб, ўзига ўзи дебдики: «Эй нодон, нима қилиб қўйдинг? Сен шу буғдойга муҳтожмисан? Сўққабош бўлсанг, биттагина қорнингни тўйдиролмайсанми? Акангнинг болалари бор, уларга ҳазилакам нон керакми?».

Шу хаёл билан ўрнидан туриб, омборхонага чиқибди ва ўзига тегишли буғдойдан акасининг хумига солиб қўйибди.

Иттифоқо, шу дамда аканинг кўзидан ҳам уйқу қочибди, у ўзига ўзи дебдики: «Эй нодон, чакки иш қилдинг? Отанг сени уйлантирди, укангни тинчитолмай кетди. Уканг энди қорин ташвишидан ташқари уйланиш ташвишини ҳам қилиши керак. Унга инсоф қил».

Сўнгра ўрнидан туриб омборхонага чиқибди ва ўзига тегишли буғдойдан укасининг хумига солиб қўйибди.

Бу ҳаракат ҳар тун такрорланаверибди.

Ой ўтибди. Йил ўтибди, аканинг ярим хум буғдойи ҳам, уканики ҳам ҳеч тугамасмиш. Улар бу сирдан ажабланиб, донишмандга боришибди. Донишманднинг талаби билан тундаги ишларини айтиб беришибди. «Инсоф сари барака», деган ҳикматни донишманд ўшанда айтган экан.

Ҳовлиларни бўлиб олаётган эй ака-укалар! Сизлар тиклаган девор атрофида ота-оналарингизнинг руҳлари азоб чекиб, чирқираб юрганини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?


\* \* \*

Донишмандлар дейдиларки, ҳақиқатнинг энг катта ҳақи унга амал қилиш экан. Аммо дунёда ҳеч нимага ҳақиқатга эришилганчалик машаққат билан эришилмайди. Ҳақиқатни излаш, унга етиш учун ойлар, баъзан йиллар зарур бўлар. Ҳаёт шундайки, бунда ҳақиқатдан кўра хатони топиш осонроқ. Хато кўриниб туради, уни дарров пайқайсиз, ҳақиқат эса пинҳона — кўздан яширин бўлади ва уни ҳар ким ҳам топавермайди. Ҳақиқатга етмоқликнинг энг асосий шarti ҳақиқатни севмоқликдир. Зотан, фақат ҳақиқатгина чинакам гўзалдир, фақат угина меҳр-муҳаббатга лойиқдир. Ҳақиқатни шунчаки севиш ва гапиришнинг ўзи кифоя эмас, ҳақиқатни бирон-бир улуг мақсадни кўзлаган ҳолда севиш ва гапириш керак бўлади. Бир одам бирор фойдалик ҳақиқатни очгунича, юзларча одам омадсиз изланишлар ва аянчли янглишишлар билан умрини хазон қилмоғи ҳам мумкин. Ҳақиқат излаш вақтичоғлик билан эмас, ҳаяжон ва ташвишлар билан ўтади. Аммо шунда ҳам барибир уни изламоқ лозим, акс ҳолда, яъни, ҳақиқатни топмасак, уни севмасак, ҳалок бўлмоғимиз тайин. Ҳақиқатни ўргана туриб уч мақсадни кўзда тутиш зарур: уни излаб топишимиз, топгандан сўнг албатта исботлашимиз, ниҳоят, ҳақиқатни изоҳлаб, исботлаётганда уни сохталикдан айира билмоғимиз шарт.

\* \* \*

Кимки интилмаса, у ҳеч нарсага эришмайди, кимки шижоат кўрсатмаса, у ҳеч нарсалик бўлмайди, кимки ўзининг маънавий қувватидан фойдаланмаса, бу қувват уни тарк этади.

(Давоми келгуси сонда)



Азиз биродар! «Хидоят» ушбу сондан эътиборан давомли ўлароқ Муҳаммад Аҳмад Канъоннинг «Эр-хотинлик асослари» китобидан бобларни эълон қила бошлайди. Китоб, номидан ҳам маълумки, эр-хотинликнинг ҳамма босқичларини — севги, совчилик, никоҳ ақди, тўй, қўшилиш, ҳомиладорлик, ўзаро ҳуқуқлар, эр-хотин алоқасини бузувчи ҳоллар каби масалаларни ёритади. Бинобарин, мавзу ниҳоятда зарурийдир.

Алҳамдулilloҳ, халқимиз исломий одоб-ахлоқ руҳида тарбия топгандир. Лекин, афсуски, даҳрийлик зуғуми остида яшаган кейинги замонларда маданиятининг, одоб-ахлоқининг асосларидан узилди, беҳабар қолди. Хоссатан, никоҳ, қўшилиш каби нозик масалаларда ҳам. Натижада тарбия билан ҳаётда (амалда) номувофиқликлар юзага келди, оила мустаҳкамлигига путур етди: ўзаро келишмовчиликлар, ажралишлар кўпайди. Бу ҳол ўз навбатида жамият ҳола-

тига ҳам салбий таъсир эта бошлади. Шу маънода китобда баён қилинган ҳукмларни билиш зарур деб ўйлаймиз.

Авалдан танбеҳ: ўқувчиларимизга бу асардаги баъзи тафсилотлар ҳаддан ташқари очик туюлиши, фарзандларимиздан «қизғонишлари» мумкин. Бу ўринда уят ўринсиздир, чунки ёшларимиз келгуси ҳаётларининг саодати учун ҳам ушбу маълумотларни билишлари лозим. Билиш кўнгил истакларини интизомга солади, иккиланиш ва довдирашларни бартараф этади, эр-хотинни хотиржам қилади. Одам билмасликдан ҳаё қилиши керак, чунки билмаслик ҳамма тартибсизликларнинг бошидир. Бунини ўқитишдан уялсангиз, ўғил-қизингиз бу борадаги маълумотларни бошқа ёқдан қидиради, ажнабий туйғулару бузуқ кинолардан йўл-йўриқ ва «тарбия» олади. Натижада, юқорида айтилганидек, ахлоқи бетайин, қалби пароканда бир шахс юзага келади, Аллоҳ сақласин.

Муҳаммад Аҳмад КАНЪОН

## ЭР-ХОТИНЛИК АСОСЛАРИ

### Муқаддима

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Оламни яратувчи ва унинг ҳолини низомга солувчи Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин. У азиз китоби Куръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Бачадонга қуйиладиган нутфа (уруғ)дан жуфтни — эркак ва аёлни У яратгандир».

«Инсон нимадан яратилганига боқсин! У эркак бели ва аёл кўкрагидан чиқувчи ва бачадонга қуйилувчи сувдан яратилгандир».

У Зотга ҳамд айтамыз ва бизларни барча эзгуликни қамраган ва ҳамма ёмонликлардан қайтарган чинакам бағрикенг бу динига етказгани учун Унга шукроналар қиламыз.

Шонли мақом, ичилажак ҳавз ва қиёмат куннда улуғ шафоат соҳиби; сўзлари, амаллари ва хулқлари билан инсониятга эзгуликни ўргатган ва ўзлари намуна бўлган жаноби ра-

сул Муҳаммад Мустафога, оила аъзолари ва дўстларига дуруд ва саломлар йўллаймиз.

Аллоҳ таолонинг ягона холиқлигининг далили ва белгиларидан ҳамда неъматларидан бири уйланишдир.

Рум сурасининг 21-оятда шундай марҳамат қилинади:

«Қалбингиз боғланиши учун сизларга ўз жинсингиздан жуфтларни яратиши ва ўрталарингизга меҳр ва муҳаббатни солиши Унинг рубубийяти далиларидандир. Буларда фикр этувчи қавмларга далиллар бор».

Уйланиш инсоният наслининг кўпайиши ва қиёматга сур тортилажак кунгача боқий бўлиши учун лозим бўлган ҳақиқий йўлдир. Зеро, кўпайиш ва туғилиш у билан бўлади, у орқали оилалар шаклланади, уруғ ва қабилалар яқинлашади.

Хужурот сурасининг 13-оятда шундай зикр этилади:

**«Эй инсонлар! Биз сизларни эр (Одам) ва аёл (Хавво)дан яратдик. Ва ўзаро танишувларингиз учун халқ ва қабилалар қилдик. Аллоҳ хузурида мукаррамларингиз тақводорларингиздир. Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир».**

Инсонлар уйланишнинг ҳақиқий мевасини тоттишлари учун Расули Амин соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланишга ва жуфтларнинг бирга яшашига боғлиқ бўлган ҳамма шаръий аҳкомларни баён этдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланидиган ва уйлантирадиган ҳар бир киши учун ўзлари юксак намуна бўлдилар.

Лекин бугун кўпчилик инсонлар — эрлар ҳам, аёллар ҳам Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ва хулқларидан четда қолганлар, ажнабий бузуқ одат ва ярамас анъаналарга кўр-кўрона эргашиб кетганлар. Шу сабабдан ўз жуфтларига ёмонлик қилмоқдалар, оилавий келишмовчиликлар кўпайиб, эр-хотинлар Аллоҳ таоло берган меҳр ва муҳаббат неъматидан маҳрум бўлмоқдалар.

Шунданми, баъзи муҳтарам биродарларимиз оила масалалари борасида китоб ёзишга бизни

ундашди. Истакларига лаббай деб, йигит ва қиз, эр ва хотин билимли бўлишлари учун, турмуш қуриш арафасида турганлар ҳамда эр-хотинлар муҳтож бўлган ҳукмларни жамлаб, «Эр-хотинлик асослари» номли китоб ёздик.

Биз бу китобда қисқа йўлдан бордик — хулосалар билан кифояландик, далиллар келтириб ўтирмадик, уламолар ўртасидаги мунозарали ўринларнинг баёнига киришмадик. Зеро, биз бу китобни барча мусулмонлар учун, уларнинг эр-хотинлик муаммоларини тўғриловчи, Парвардигорнинг: **«Аёлларнинг ҳуқуқлари каби хайрли масъулиятлари ҳам бор. Эрлар аёллар гамини еганлари учун аёллардан фазилатлидир»**, мазмунидаги (*Бақара, 228*) оятига амалан, биргаликда баҳамжиҳат ва тотув яшашларида уларга кўмак бўладиган йўлга йўналтириш учун ёзмоқдамиз. Ҳар бир бобнинг маъноси осон тушунилиши учун уни савол-жавоб билан яқунладик.

Тангридан бу ишимизни фойдали қилишини ва ажрлар беришини, бизларга раҳм айлашини, фикримизни тўғри этишини ва бизларни ўз ҳимоясида асрашини сўраб илтижо қиламиз.

Аллоҳдан ўзгага ҳоҷатманд эмасмиз. Фақат Угина ҳоҷатларимизни равон айлагувчидир.

## Никоҳнинг маъноси

«Никоҳ» сўзи «қўшиш», «киришиш», «боғланиш» маъноларини билдирганидан эр билан хотин ўртасини боғловчи битимга ном қилиб қўйилгандир.

Шаръий маъноси эса, қуйидагичадир:

«Ақд қилишга шаръий тўсиқ бўлмаган аёл билан эрнинг бир-бирларидан лаззат олишларини ҳалол йўлга солувчи битим *никоҳ*дир».

Никоҳ ақди (битими) битимларнинг энг яхшисидир. Зеро, у инсон зотига алоқадор бўлиб, икки шахс ўртасини меҳр-муҳаббат торлари билан боғлайди. У зурриёт пайдо бўлишининг бошидир, жинсий аъзоларни бузуқликлардан сақлаш йўлидир.

## Никоҳ ҳукми

Никоҳ динимизда тарғиб қилинган амаллардан бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатлари-

дандир. Бу ҳақда Имом Бухорий ва Муслим Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан шундан ривоят қиладилар:

«Уч киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларида келиб, аёлларидан у зотнинг ибодатлари ҳақида сўрадилар. Бу ҳақда маълумот олганларидан сўнг: «Набий алайҳиссаломнинг кўп ибодат қилишга эҳтиёжлари йўқ. Чунки у зотнинг олдин ўтган ва бўлғуси хатоларини Аллоҳ таоло кечирган. Биз пайғамбар даражасига етолмаймиз», дейишди ва улардан бири: «Мен кечаларни бундан буён намоз ўқиб ўтказаман», деди. Иккинчиси: «Умрим бўйи рўза тутаман», деди. Учинчиси: «Мен аёллардан юз ўғираман, уйланимай ўтаман», деди. Шу аснода Пайғамбаримиз алайҳиссалом келиб қоладилар ва шундай дедилар: «Шу гаплар-

ни сизлар айтдингизларми? Билиб қўйинглар, Аллоҳ таолога қасамки, мен сизларнинг Аллоҳдан энг қўрқувчиларингиз ва тақводорларингиздирман. Лекин мен намоз ҳам ўқийман, кечалари ухлайман ҳам. Рўза ҳам тутаман, оғиз очиқ ҳам бўламан. Аёлларга уйланаман. Ким менинг суннатимдан юз ўғирса, у мендан эмас».

«Ким менинг суннатимдан юз ўғирса», деган сўзларининг





маъноси: «Ким менинг йўлимдан четлашса ва мен қилган нарсага айри иш қилса, мендан эмас», яъни, тўғри ва кенг бўлган Ислом аҳлидан эмасдир. Зеро, у буюрилмаган нарса ила ўзига машаққат орттирди, ўзига қийинчилик ва танглик юклади, демакдир.

Бу ҳадис шарҳида: «Расулulloҳ алайҳиссаломнинг мазкур сўзлари маъносидан кўзланган шахс Расулulloҳнинг равиш ва йўлларига айри иш тутган кишидир. Чунки у ўзининг ибодатларини Расулulloҳ ибодатларидан ортиқроқ деб ўйлайди. Бинобарин, «мендан эмас» сўзларининг маъноси, аҳли миллатимдан эмас, зеро, ундай эътиқод куфрга олиб боради, деб ҳам айтилган.

Никоҳ ҳукми борасидаги бу гаплар мўътадил миждоли, уйланмаса ҳам зинога бормайдиган, оила турмуши қийинчиликлари ва масъулиятларини кўтара оладиган кишига тегишлидир. Аммо уйланмаса зинога борадиган ё уйланиш билангина зинодан қутуладиган кишилар учун уйланиш вожибдир. Фикҳ китобларида бу борада муфассал ҳукмлар баён қилинган. Уларни кенг ёритишнинг бу жойда имкони йўқ.

## Никоҳдан мақсад

Никоҳ шарафли ва муборак ақддир. Аллоҳ таоло уни бандаларининг фойда ва манфатлари учун, эзгу мақсадларга ва шарафли ғояларга эришишлари учун жорий қилгандир.

Никоҳдан кўзланган муҳим мақсад зурриёт қолдириш ва ҳаромдан сақланишдир.

### 1. Зурриёт қолдириш

Уйланишни истаган шахсининг биринчи мақсади Аллоҳ таолога ибодат қиладиган, ортидан ҳаққиға дуо қиладиган, инсонлар ўртасида номини сақлайдиган солиҳ фарзанд кўриш бўлмоғи лозим.

Анас ибн Молик розийал-

лоҳу анҳу шундай дейдилар: «Набий алайҳиссалом бизларни уйланишга буюриб, бева ўтишдан қаттиқ қайтарар эдилар. Ва дердиларки: «Кўп туғувчи суюкли аёлга уйланинг! Зеро, мен қиёмат кунини сизларнинг кўплигингиз билан пайғамбарлар олида фахрланаман».

Наҳл сурасидаги 72-ояти каримада ҳам бу улуғ мақсадга ишора қилинади:

**«Аллоҳ таоло сизларга жуфтларингиздан фарзандлар ва набиралар яратди».**

Инсон Яратгувчи унга берган табиий сифати билан зурриётни севади. Зеро, Аллоҳ таоло инсонларни фарзанд севгисига қизиқтириб кўйди.

«Аёллар ва ўғил фарзандлар...дан бўлган орзу-ҳаваслар севгиси инсонларга қизиқарли қилинди».

Инсон фарзандни севади. Чунки Парвардигор фарзандларни дунё ҳаётининг зийнати қилди.

**«Мол ва фарзандлар дунё ҳаёти зийнатидир» (Каҳф, 37).**

Инсон фарзандларини қаттиқ севганидан гоҳо ғалаёнга ҳам тушади. Ва улар сабабидан Аллоҳ таолога исён қилади. Бу тўғрида шундай марҳамат қилинади:

**«Молларингиз ва фарзандларингиз синовдир. Аллоҳ таоло ҳузурда ажрлар бор» (Тағобун, 15).**

Агар инсонда фарзанд муҳаббати хуруж қилиб, уни ҳаром йўллarga бошласа ё зиммасидаги вожиб амалларни тарк этишга ундаса, бу ҳолда фарзандлар душман ўрнида бўлади. Уларга бунчалик меҳр кўйишдан ва боғланиб қолишдан сақланиш керак. Ушбу ояти карима шу маънони ифодалайди:

**«Эй имон келтирганлар! Жуфтларингиз ва фарзандларингиздан сизларга душманлари бор. Улардан сақланинг!» (Тағобун, 19).**

### 2. Ҳаромдан сақланиш

Шубҳа йўқки, уйланишдан энг асосий мақсад майл ва шах-

ватни қондиришгина бўлмай, зино ва бошқа бузуқликлардан сақланиш ҳамдир. Шаҳватни тўғри қондириш ҳаромдан сақланишнинг боисидир, лекин у қасд ва ният билангина бўлади. Бу иккисини бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Зеро, инсон бутун фикрини шаҳватни қондиришга қаратиб, такрор-такрор жимо қилишга берилса, мақсади ўзини зинодан сақлаш бўлмаса, ҳайвонлардан қандай фарқи қолади?!

Шундай экан, ўзаро жинсий ором олиш ишида эр учун ҳам, аёл учун ҳам олижаноб мақсад бўлиши керак. Бу мақсад ҳаромдан сақланиш учун шаҳватни ҳалол йўл билан қондиришдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатган нарса айни шудир. Ибн Масъуд айтдилар: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом бизга шундай дедилар: «Эй ёшлар, сизлардан қайси бирингиз жинсий ҳаётга яраса, уйлансин. Уйланиш кўзни тўсади, жинсий аъзони сақлайди. Ким уйланишга қодир бўлмаса, рўза тутсин. Зеро, рўза унинг шаҳватини кесади».

Бу ҳадиси шарифдан кўринадикки, уйланиш икки нарсага — кўзни Аллоҳ ҳаром қилган аёлларга қарашдан тўсишга ҳамда зино ва бошқа бузуқликлардан жинсий аъзони сақлашга яраб экан.

Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қилган мана бу ҳадис ҳам шу маънодадир: «Агар сизлардан бирингизни бегона аёл ҳайратга солиб, қалбига ўтириб қолса, ўзининг хотинига борсин-да, у билан қўшилсин! Бу унинг қалбадигисини кетказади».

Аммо уйланишдан мақсади фақат жинсий қўшилиш ҳаваси бўлган, бундан бошқа фикри бўлмаган одамлар учун қўшилиш фақат шаҳватларини оширади. Улар ўзларининг ҳалол аёллари билан қаноатланмайдилар, балки ҳаромга ҳам оғиб кетадилар.

(Давоми келгуси сонда)



# ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## Талабалар ҳажга боришди

Россия Ислom Университетининг етти нафар энг аълочи талабалари бу йил ҳажга боришди. Бу талабалар Ислom дини ва тарихини ўрганишдаги муваффақиятлари, жамоатчилик ишида фаолликлари учун бундай улуғ мукофотга лойиқ кўрилди. Уларнинг ҳаж сафари харажатларини Татаристон мусулмонлари идораси тўлаган.

## Булғористон мусулмонлари

Ҳозирги кунда Булғористонда 3 милён мусулмон яшайди. Бу кўрсаткич нуфуси 8 милёнли мамлакат аҳолисининг 35 фоизини ташкил қилади.

Тарихдан маълумки, Булғористон беш аср давомида мусулмонлар ҳукмронлиги остида бўлган. Ўша даврда мусулмонлар аҳолининг 60 фоизини ташкил этганлар.

## Бир йилда ўн милён

Қуръони каримни чоп этиш бўйича подшоҳ Фаҳд академияси ҳижрий 1405 йили фаолият бошлаган. Шундан буён Каломи шариф тўқсон кўринишда, умумий ҳисобда 165 милён нусхада нашр этилди.

Академиянинг биносига биринчи гишт ҳижрий 1403 йили қўйилган эди. Ҳозир унинг майдони икки юз эллик минг квадрат метр бўлиб, турли бинолари билан яхлит бир мажмуа шаклини олган. Мажмуа таркибига масжид, бошқарув бинолари, омборхона, матбаа, ётоқхоналар, дам олиш масканлари, ошхона ва кутубхона киради.

Академиянинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати ўн милён нусхани ташкил қилади. Эҳтиёж бўлганда бу миқдорни ўттиз милёнга чиқариш имконияти мавжуд. Шунингдек, бу ерда Қуръони каримнинг аудио, видео ва CD нусхалари ҳамда маъно таржималари, суннат ва сийрат китоблари тайёрланади.

## Техаслик диндошлар

Малайзия Халқаро Ислom университети профессори, доктор Атаулла Богдан Копанскининг

айтишича, АҚШнинг Техас штатида 250.000 мусулмон истиқомат қилади. Бу миқдор Техасдаги барча аҳолининг 6 фоизи демакдир. Мусулмонларнинг асосий қисмини 60-йилларнинг охирида АҚШга хориждан кўчиб келган муҳожирлар ташкил қилади. Кейинги ўн йилликда Оврупа давлатлари ва Мексикадан Техасга келган 12000 фуқаро Ислomни қабул қилдилар. Булардан ташқари, Ислomга кирганлар орасида вьетнамликлар, хитойликлар ва ҳатто, Амриқонинг туб аҳолиси бўлмиш ҳиндулар ҳам бор.

Биринчи мусулмонлар Техасга XIX асрнинг ўрталарида, яъни, Фуқаролар уруши даврида, Амриқо армиясининг туялар ёрдамида Кэмп Верде, Техас ва Сан Диего ўртасида нақлиёт алоқалари йўлга қўйилган йилларда кириб кела бошлаган эди. Техасликлар доимо мусулмон ватандошларини ҳурмат қилишади ва тинчликпарвар инсонлар деб билишади.

## Аёллар ва болалар учун китоблар

Марям Султонова номидаги Уфа Ислom институти ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатлари билан Ислom тарихи, маданияти ва эътиқодига оид иккита янги китоб дунё юзини кўрди. Бу иккала асар ҳам араб тилидан таржима қилинган. "Болалар учун Қуръон ҳикоялари" китобида бир қанча оятларнинг тафсиллари, "Мўминларнинг оналари" китобида эса Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари ва оила аъзолари ҳақида маълумотлар берилди.

## Машҳур шоир мусулмон бўлди

Яқинда Ўрта Ер денгизи фестивалининг раяси, италиялик шоир Жино Лукапуто Ислom динини қабул қилди.

Хабарларга кўра, кейинги пайтда Италияда Қуръони каримнинг италянча тилдаги маъно таржимасига талаб кескин кўпайган. Бу, аynиқса, ўтган йили 11 сентябрда Амриқода бўлиб ўтган воқеалардан сўнг кўпроқ сезилди. Китобнинг сотилиши ҳафтасига 10 нусхадан 20 минг нусхагача кўтарилиб кетди. Бу кўрсаткич кўпроқ Ситсилияда юқори бўлди.

Интернет материалларидан

Маҳмуд МАҲКАМ

тайёрлади.

Йўлдош ЭШБЕК

# Лиммо-лимдир ишқ билан қалбим

## Ҳасан Басрий

Мен Ҳасан Басрийман, Ҳасан Басрийман,  
асрийман, фонийман ва мусофирман.  
Ўтиб бормоқдаман қумлар оралаб,  
Олам марказини шундоқ қоралаб.

Жаз-жаз ботар оёғимга сахро, йўл,  
Хаёлимда кўтарилган бир жуфт қўл.  
Олам ёнар, елкамда муздай мешкоб,  
Олдинлайман, манглайга келган офтоб.

Мен Ҳасан Басрийман, Ҳасан Басрийман,  
Ота-онам берган номни асрайман.  
Сувни тўкиб кетар қароқчи тўда,  
Ичмаслар, эрмаклар мени беҳуда.

Қанотли отларга эгадир улар,  
Йўлни ўраб чиқар мазах, кулгулар...  
Кўз билан кўрарки, тўла мешкобим,  
Мешкобимни тўкиб, тарқамас хоби.

Кўзлари очилмас, қайдан тўлар сув?  
Бу бепоён сахро — куйган одам-ку!  
Кўзлари очилмас, қайга борурман,  
Кимни севадурман ва ёлборурман?

Кўзлари очилмас, тўкса тўладур...  
Мешкобда муздай сув доим бўладур.  
Мен Ҳасан Басрийман, қайда ва қаён  
кетурман — кўксимда чайқалур уммон.

Кўзлари очилмас, тўкса тўладур...  
Уларнинг мешкоби доим бўладур,  
Мен Ҳасан Басрийман, тупроқман, хокман,  
Буюк Из Ҳидига ҳаргиз муштоқман.

Мен Ҳасан Басрийман, маҳрум этмайман —  
Қароқчи зотларни ташлаб кетмайман.  
Менинг йўлим узоқ этади давом,  
«Сув қандай тўлмоқда?» Қароқчи авом

Мени таъқиб этар, тутоқиб кетар,  
Шарпадай кезишар, ютоқиб кетар.  
Мен Ҳасан Басрийман, ўралган йўлим,  
Менга дуо мадад ва Қудрат қўли!

Мен Ҳасан Басрийман, ёрилди лабим,  
Аммо лиммо-лимдир ишқ билан қалбим.  
Азобни дўст тутдим, озорни эмас,  
Дилозорни эмас, хор-зорларни, бас.

Дунё қароқчидир, саҳродир, ёздир!  
Олам сувга зордир, сув жуда оздир.  
Кўнглим тўлсин десанг агар мешкобдан,  
Сувдан кеч, сувдан кеч! Кечма инсофдан!

## Оппоқ соя

Бу сояни билгай ҳамма,  
Соясини кўрмагай ҳеч ким.  
Оқ, чунки пок гулга менгзар  
Гуллар ўсиб чиқар  
Қоядай соядан.  
Паноҳ топулар нажоти борлар.  
Гул бўйини, сочар ой нурини бу соя  
Куёшни ўйлатиб қўяр.  
Жондорни куйлатиб қўяр.  
Бу соянинг ҳидларига қурбонам,  
Бу соянинг итларига қурбонам.  
Бу соянинг вужудидан таралиб турар ҳаё,  
Бу соянинг юзидан офтобга тушар соя.  
Соя шундоқ бўлса, аё, Асл қандоқдир?  
Соясида ўлмоққа жон муштоқдир.  
Билингайдир қора тунда сезилмаса зиёда,  
Чунки соя оқ пок эрур оппоқ қора дунёда!



## Умид дарёси

Бу умид дарёси оқарди тўлиб,  
Бешафқат кимсалар қўйдилар тўғон.  
Исроф айладилар ҳар ёнга бўлиб,  
Қуриган бу ўзан ҳувиллар ҳайрон.

Дарё соҳиллари бўлди паришон,  
Қақраган ўзанга шамоллар шайдо.  
Аллоҳ раҳматини тўсолмас инсон,  
Қуриган ўзанда чашмалар пайдо!



## Хотирот

Фозлар учиб ўтдилар,  
 Чўзилиб бўйинлари.  
 Хотиротлар тутдилар  
 Дунёнинг ўйинлари...  
 Фозлар сайрона ўтди,  
 Ичида овозлари.  
 Дилни фиғонлар тутди —  
 Ёшлигимнинг фозлари!

## Сатил

«Сал бўлса ҳам майли эди-я,  
 Даранглатиб чалар челақни.  
 Қулоқ-мияни ҳам еди-я,  
 Тугатақол, шамол, эртақни!»  
 Шохга илиб қўйилган сатил —  
 Ғийқиллар, тебранар, салтанглар.  
 Эҳ, гўдақлар ризқи, сабил...  
 Сутни ичиб қўйган шайтонлар.



Мақсуд ФАЙЗИ

## Тавба қилдим

Бир шаҳар кўрдим ажиб, меҳри мўл, армони йўқ,  
 Барча унда хокисор, гердаяр «осмон»и йўқ,  
 Кўзда ёшу дилда Ҳақ зикрисиз кечган они йўқ,  
 Мен Худога тавба қилдим, дўстларим, ёлғони йўқ.

Қабани айлаб тавоф, йиғладим, зор йиғладим,  
 Бош уриб тошига оҳ чекдим, абгор йиғладим,  
 Меҳрибоним қошида ожиз, гуноҳқор йиғладим,  
 Мен Худога тавба қилдим, дўстларим, ёлғони йўқ.

Саъй этиб, Сафо — Марва узра қилдим кўп дуо,  
 Энтикиб замзам ичиб, бўлди қалбим пурзиё,  
 Арафот майдонида Раббимга этдим илтижо,  
 Мен Худога тавба қилдим, дўстларим, ёлғони йўқ.

Этдиму ҳажни адо, чиқдим Мадина йўлига,  
 Салом-салавот айтдим Парвардигор Расулига,  
 Ё Эгам, ҳеч кимсани солма исён чўлига,  
 Мен Худога тавба қилдим, дўстларим, ёлғони йўқ.

Абдулҳай НОСИР

## Отам кўнглин ололмадим

Қамон отиб, учган қушни ушладим,  
 Ҳамла қилиб, деву довни муштладим,  
 Тулпор миниб, чўққида дил хушладим,  
 Отам кўнглин ололмадим мен, бироқ.

Саҳроларни чаман қилдим, боғ қилдим,  
 Тойчоқларни саман қилдим, соғ қилдим.  
 Ўз кўнглимни осмон қилдим, чоғ қилдим,  
 Отам кўнглин ололмадим мен, бироқ.

Кўчаларга байроқ тақдим, нур оқди,  
 Кечаларга уйғоқ боқдим, ҳур оқди.  
 Кўнгилларга чироқ ёқдим, дур оқди,  
 Отам кўнглин ололмадим мен, бироқ.

Отам кўнгли гўё экан, билмадим,  
 Отам кўнгли дарё экан, билмадим,  
 Отам кўнгли дунё экан, билмадим,  
 Отам кўнглин ололмадим мен, бироқ.



## Тинчлик бўлар доим...

Азиз билса агар одам ўзини,  
 Офтоб меҳри билан очса юзини,  
 Бевақт яширмаса қора кўзини,  
 Тинчлик бўлар доим она элимда.

Отадан бошланса қаҳрамонликлар,  
 Онадан бошланса меҳрибонликлар,  
 Болаларни қучар соғ-омонликлар,  
 Тинчлик бўлар доим она элимда.

Қуёшни ардоқлаб қучоқларида,  
 Юлдузлар порласа бошоқларида,  
 Ҳилол чатнаб турса ўчоқларида,  
 Тинчлик бўлар доим она элимда.

# НАМОЗ МҮМИННИНГ МЕЪРОЖИ



*Биз олдинги сабоқларда («Ҳидоят», 2001 й. 3—12-сонлар) таҳорат, бадан ва кийим поклиги масалаларига тўхталган эдик. Улар бизнинг Ислождан олган насибамиз миқдорининг мезони, бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз мақбуллигининг аввалги шартларидир. Энди ушбу сабоқдан эътиборан, иншааллоҳ, намоз ва унга тегишли ҳукмлар ҳақида сўз боради.*

Бомдод намозининг вақти субҳи содиқдан қуёш чиққунчадир. Кунчиқар уфқида кўндаланг бўлиб кўринган ёруғлик субҳи содиқдир.

Пешин намозининг вақти қуёш оғандан ҳар бир нарсанинг сояси ўз бўйининг икки баробарига етгунчадир. Қуёш оғишга келгандаги соя бунга кирмайди. Қуёш оғишга келган вақт «завол вақти» дейилади. Заволдаги соя турли жойлар ва ойларда турличадир. Бизнинг диёрларда кишининг завол вақтидаги сояси ўз қадами (оёқ товонидан панжалар учи-гача) билан ўлчанади. Масалан: саратонда бир ярим, асад ойида икки ярим, сунбулада уч ярим, мезон ойида беш ярим, ақраб ойида етти ярим, қавс ойида тўққиз ярим, жаддий ойида ўн ярим, далв ойида саккиз ярим, ҳутда олти ярим, ҳамал ойида тўрт ярим, савр ойида уч ярим, жавзода эса икки ярим қадам бўлади. Одатда, ҳар бир одамнинг бўйи ўз қадами билан етти қадам бўлади. Бинобарин, масалан, ҳут ойида кишининг сояси ўз қадами билан йигирма ярим қадамга етса, пешин намозининг вақти чиққан ҳисобланади.

Аср намозининг вақти пешин намози вақти тугагандан бошлаб, то қуёш ботгунчадир.

Шом намозининг вақти қуёш ботиши билан бошланади

## Ўн биринчи сабоқ

### НАМОЗ ВАҚТЛАРИ

ва кунботар уфқида қизил шафақ йўқолгунча давом этади.

Қизил шафақ йўқолганидан сўнг хуфтон намозининг вақти киради. Субҳи содиққача хуфтон намозини ўқиса бўлади.

Витр намозининг вақти хуфтон намозининг вақтидир. Аммо витр намозини хуфтон намозидан сўнг ўқиш вожиб. Хуфтонни ўқимасдан витр намозини ўқиш мумкин эмас.

Беш вақт намознинг ҳар бири айтилган вақтларида ўқилса, ўз вақтида ўқилган ҳисобланади. Аммо бомдод намозини субҳи содиқ киргандаёқ эмас, балки тонг ёришгач, қуёш чиқишидан олдинроқ ўқиш мустаҳаб бўлади. Қуёш чиқишидан қанча олдин эканини уламолар аниқроқ қилиб қуйидагича белгилашган: яъни, мабодо таҳорати синганлиги маълум бўлса, янгидан таҳорат олиб ўқигунча ўтадиган вақт қолсин.

Пешин намозини қишда аввалги вақтида, ёзда соя бўйга бир баробар бўлишидан аввалроқ ўқиш мустаҳабдир.

Аср намозини барча вақтда қуёш гардишида ўзгариш бошланмаган муддатгача кечроқ ўқиш мустаҳаб бўлади.

Шом намозини ҳамиша қуёш ботиши биланоқ ўқиш мустаҳаб.

Қиш кунлари хуфтон намозини туннинг биринчи учдан бир қисми ўтгандан сўнг, ёз кунлари эса эртароқ ўқиш мустаҳабдир.

Витр намозини, уйғонишга кўзи етса, кечанинг охирида, субҳи содиқдан олдин ўқиш мустаҳаб бўлади. Аммо уйғонишига кўзи етмаса, хуфтон намозидан сўнг ўқиш мустаҳабдир.

Ҳаж маросимида Арафот тоғи ва Муздалифа водийдан бошқа жойда бир намоз вақтида икки намоз жам қилиб ўқилмайди.

Ийд намозининг вақти қуёш чиқиб, икки найза баробарида кўтарилганидан то заволигачадир.

Уч вақтда, яъни, қуёш чиқаётганида (то бир ё икки найза кўтарилгунча), тик бўлганида ва ботаётганида (шу кунги аср намозидан бошқа) ҳеч қандай намоз ўқиб бўлмайди.

Тонг отиб, қуёш чиққунча ва аср намозидан сўнг шом намози ўқилгунча нафл ва икки ракат тавоф намозини ўқиш макруҳдир. Шунингдек, имом хутба қилаётганида ва ийд намозларидан олдин ҳам нафл намозларини ўқиш макруҳ бўлади.

Муҳаммад СИДДИҚ

Имомларимиздан бирига жамоатдан савол тушди: «Айримлар неча марта ҳажга борган бўлишларига қарамай, яна ҳаракат қилиб юришибди. Шу ишлари тўғрими?»

Имом жавоб берар экан, сўнгида шундай деди: «...Ҳаж шундай ибодатки, бормаганлар, бир борсам, дейди, борганлар, минг борсам, дейди».

Чиндан ҳам, мўмин қалби ҳар йили зулҳижжа арафасида динимиз бешиги бўлган юртни яна зиёрат қилишни, Каъбаи муаззамага тўйиб-тўйиб қарашни, муборак Замзам сувларидан қониб-қониб ичишни қаттиқ қўмсар экан...

Ҳаж солиҳ сафар, пайғамбарлар ўтган, ваҳий инган юртга савобли саёҳатдир. Бунда ақлий ва ҳиссий амаллар уйғунлигининг заруратини кўрамиз. Ҳис-туйғулар ақлга эргашса, қалб хотиржам бўлади. Аллоҳнинг азаматини ҳис қилиб иқрор бўлади, ибодат этади.

Ҳаж ибодатини фарз қилишдан



## МЎМИННИНГ ҲУРМАТИ УЛУҒРОҚ

### Ҳаж ҳақида ҳаждан кейинги ўйлар

шу мақсад кўзланган: инсонни ваҳийнинг ватанига боғлаш, Аллоҳнинг омонатини кўтарган, уни одамларга мукамал етказган даҳоларнинг сийратларига ошно этиш ҳажнинг вазифаларидан биридир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мусулмонларни замон ва макон тафовутига қарамай тавҳид дини бўлмиш Исломига боғланишларини ирода қилди. Улардан қодирларини динимиз тарихи муҳрланган муқаддас маконлар зиёратига таклиф этди.

Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссалом Байтуллоҳ пойдеворини кўтариб, шундай дуо қилган эдилар:

**«Эсланг: Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб (дедилар): «Парвардигоро, биздан (ушбу қилган амалимизни) ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, сен эшитгувчи, билгувчисан. Парвардигоро, бизни ўзингга бўйинсунгувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам ўзингга итоат қиладиган кишилар чиқаргин. Ва бизга (қиладиган) ибодатларимизни ўргатгин ва тавба-тазарруларимизни қабул эт! Шубҳасиз, сен тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлидирсан. Парвардигоро, уларнинг орасига ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китоб ва ҳикматни ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Шубҳасиз, сен қудрат ва ҳикмат соҳибсан» (Бақара, 127–129-оятлар мазмуни).**

Исломи рисолати, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари ушбу дуонинг ижобатидир.

Байтуллоҳ ер юзиде тавҳид учун бино қилинган биринчи масжиддир. У Иброҳим алайҳиссалом умр бўйи курашган бутпарастлик вайроналари устида бино қилинган.

Мўминлар шу боис Каъбаи мушаррафани тавоф қиладилар. Тавоф Аллоҳга тасбеҳ, ҳамд айтилиб, дуолар қилиб, тазарруъ билан адо этилади. Бунда Каъба ёки қора тошга эмас, балки Аллоҳ жалла жалалухуға ибодат қилинади. Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу ҳажарул-асваднинг олдида келиб, уни ўпдилар ва шундай дедилар: «Мен билманки, сен зарар ҳам, фойда ҳам бермайдиган тошсан. Агар Пайғамбар алайҳиссалом сени ўпаётганларини кўрмаганимда, сени ўпмасдим».

Бинобарин, қора тошни ўпиш Аллоҳга бўлган муҳаббат туйғуларининг таржимаси холос.

Сафо ва Марва ўртасида саъй этиш мусулмонларга жуда ҳам зарур рамзлардан. Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар онамиз ва эмизикли ўғиллари Исмоилни шу жойда қолдириб кетадилар. Ҳожар онамиз: «Қаёққа кетяпсиз?» деб сўрайдилар. Лекин Иброҳим алайҳиссалом жавоб бермадилар, чунки бунинг ҳикматини билмасдилар. Фақат Аллоҳнинг амрини бажарардилар, холос. Қайта-қайта сўраб, жавоб ололмаган Ҳожар онамиз: «Бунга сизни Аллоҳ буюрдими?», дедилар. Тасдиқ жавобини олгач, «Ундай бўлса Аллоҳ бизни ташлаб қўймайди», дея Унга таваккал қилдилар.

Ҳожар ҳам эрлари каби чинакам мўмина аёл эдилар. Лекин гўдақларининг сувсаб қийналганини кўриб, Сафо ва Марва ўртасида етти марта бориб-келдилар. Ниҳоят Аллоҳ Замзам булогини оқизиб берди.

Ҳожар ҳам эрлари каби чинакам мўмина аёл эдилар. Лекин гўдақларининг сувсаб қийналганини кўриб, Сафо ва Марва ўртасида етти марта бориб-келдилар. Ниҳоят Аллоҳ Замзам булогини оқизиб берди.

Биз бундан қандай дарс оламиз?

Бошимиз очиқ, эгнимиз юпун, Аллоҳнинг раҳматини истаб, қуллимизни изҳор қилганимиз ҳолда, шуни ҳис этамизки, инсон Рабига суянса, энг қудратли таянчга эга бўлар экан. Кишининг имони кучайгани сари таваккули ўсади, Аллоҳга ишончи ортади. Моддиёт билан алоқаи заифлашади. Бу, албатта, дангасалик ва лоқайдлик, дегани эмас.

Севиқли Пайғамбаримиз соллаллаҳу алайҳи ва салламнинг Ҳажжатул-вадоъда Каъбага қарадилар-да, шундай дедилар: «Қандай ҳам яхшисан, қандай ҳам хушбўй! Ҳурматинг қанчалар юксак! Муҳаммаднинг жони кўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳнинг ҳузурда мўминнинг ҳурмати, моли ва қони сенинг ҳурматингдан улугроқдир!»

Бу муборак сўзларга изоҳ лозим бўлмаса керак...

Мубашшир АҲМАД



# АҚЛ ҚАЙРОҒИ

ўйинлари оғиздан-оғизга ўтиб келган. Худди шундай сўз ўйинларидан иккитаси 1876 йили «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида ёритилган экан, ибрат учун «Ҳидоят» ўқувчиларига тақдим қилгимиз келди.

## Биринчиси

«Бир қиз шарт қўйиб, ҳар киши менинг шерьий саволимга жавоб берса, мол олмай андоғ кишининг ақди издивожига беҳилоф кираман, деган эрмиш. Ул қизнинг саволи кўп вақтдан бери халойиқ орасида машҳур эди.

Қизнинг саволи:

«Икки бўри қўй еди қон чиқармай,  
Яхши бедов битирув жон чиқармай,  
Ўн қўлимда ўн узук, ол чиқармай,  
Топган эрга тегарман мол чиқармай,  
Саксон саралар, тўқсон тўралар».

Тошкентлик эшон Аҳмад Маҳзум ул саволга мутасадди бўлиб, ёзмишлар.

Жаноб эшоннинг жавоблари:

«Икки бўри: бири нафе, бири шайтон,  
Егай банда иймонин қон чиқармай,  
Яхшиларни хизматида ҳосил бўлур,  
Восил қилур ул Тангрига жон чиқармай.  
Олсанг қўлга ўн узукни, қочар шайтон,  
Иймон узугин ўн қўлингга сол чиқармай.  
Ҳақиқатдан савол этдинг, ваъданга ет,  
Мижозийдин умид этма ҳол чиқармай.  
Топган кишин бул сара деб тегай анга,  
Гарчи ёши саксон-тўқсон, чол чиқармай.  
Ҳаққи толеъ насиб этгай сенга, раҳмат  
Дарёсидан тўйганингча ол чиқармай,  
Жон айбин ёпса бўлмас ҳарна бирлан,  
Ҳақиқат дўконидан шол чиқармай.  
Дил тухмидин жон жуъжасин кўзин очмай,  
Етса бўлмас ломаконга бол чиқармай.  
Ғофилларнинг ҳавосидан ҳазар қилгил,  
Орифларнинг дарёсидан сол чиқармай.  
Гумроҳларни аёғиндин ичма оғу,  
Эранларни шишасидин бол чиқармай,  
Иншааллоҳ, мақсадларинг ҳосил бўлур,  
Тошканд келсанг,  
иссиқ тандин жон чиқармай.  
Бул сўзларни этди Аҳмад Қоратоший,  
Кўпам юрма сарсон бўлиб, мол чиқармай...»

## Иккинчиси

«Самарқанддан бир киши бизга ёзибдурки, ушбу яқин кунларда бир мазорга зиёрат учун

Ўзбек халқ оғзаки ижоди бой ва серқиррадир. Қадим-қадимлардан халқимиз орасида кенг тарқалган айтишувлар, лапарлар, топишмоқли шеърлар, гул ва сўз борган эдим, деворга бир неча байт ёзилган экан. Кўп фикрладим, лекин ақлим етмаганидан сўнг, газетага ёзиб юбордим. Шояд кўрган кишилар бўлса, илтифот қилиб, жавоб ёзиб кўрсатгай.

Савол:

«Шаҳрисабздан келибдур бир қиз,  
Қирқ қиз туғибдур, ҳануз ҳам қиз.  
Устидан эркак чибин ўткани йўқ,  
Ёрсиз бир кеча ҳам ётгани йўқ».

Саволга тошкентлик жаноб Обид маҳзум шундай жавоб ёзибдур:

«Ҳақиқат шаҳрига кирдим,  
ажаб сабзи мунаввардир,  
Кўрдум бу сўзум кимга бовардур.  
Дилимни мардига бердим,  
солиб бор омонатни,  
Деди қирқ эр тўғрисиқиндин, болам,  
бу чихил танлардур?  
Кўнгулни ғайридин уздум,  
чибин ҳам менга ёр эмас,  
Мени ёрим ҳамиша туну кун  
Аллоҳу Акбардур.  
Киши хотун сифат бўлмай  
ҳақиқат нисбатин олмас,  
Бу сўзни билмаган одам,  
билингким, кўру карлардур.  
На ерда марди Ҳақ бўлса,  
мижози кўзга илмаслар,  
Агар бовар қилур бўлсанг,  
вужуди ҳавзи кавсардур.  
Ҳақиқий мард экан сойил  
ҳақиқатдин савол айтди,  
Мижозийлар билолмаслар,  
гарчи шерри нарлардур,  
Жавоб айғувчи Обидман,  
пирим шайх Аҳмад Шоший,  
Дил ичра маънавий қизман,  
танним букир муқаррардур».

Наишра Алишер Навоий номидаги  
Давлат кутубхонаси ходими  
**Раҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ**  
тайёрлади.

Ойиша онамиз розийаллоху анҳо Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: «Одам бола-си қурбонлик куни қурбонлик сўйишдан бошқа Аллоҳ таолога суюкли амал қилолмайди. Қиёмат куни сўйилган ҳайвоннинг ҳар бир аъзоси — шохлари, жунлари, тирноқлари учун қурбонлик қилувчига ажр берилади. У сўйилганидаги қон ерга тушмасдан, Аллоҳ ҳузурида қабул бўлади. Шундай экан, уни мамнунлик билан адо этсин!»

Қурбонлик озод, муқим, нисоб миқдоридаги пулга эга ё қиймати нисоб миқдорида

Уста ОЛИМ

## МАМНУН ҲОЛДА АДО ЭТИНГ

### Қурбонлик ибодати

етадиган, ҳожати аслийдан ошиқча мулки бор мусулмонга вожибдир. Айни замонда зарур нарсалар ҳожати аслий



ҳисобланади. Яъни, кимнинг бир сидра ёзлик ва қишлик кийими, кундалик рўзгор буюмлари, ишига зарур асбобларининг ҳар туридан бир дона-сидан ошиғи ва ётиб турилмайдиган уй хоналарининг қиймати ҳисоб қилинганда нисоб миқдорида етса, унга қурбонлик қилиш вожиб бўлади.

Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни ҳайит намози ўқилганидан сўнг, то ўн иккинчи кунининг қуёш ботишидан олдинроққача бўлган вақт қурбонлик сўйиш вақтидир. Қурбонликни кечаси сўйиш макруҳдир.

Қурбонлик вожиб бўлган кишига бир дона қўй ё эчки сўйиш лозим бўлади. Бир туя ё сигир етти кишининг қурбонлиги ўрнига ўтади. Яъни, қурбонлик вожиб бўлган етти ё бундан кам кишилар бирлашиб, бир туя ё сигирни қурбонлик қилсалар бўлади. Бунда улардан барчаларининг нияти холис

қурбат (Аллоҳ таолонинг розилигини топиш) бўлмоғи лозим. Агар уларнинг бирортаси гўшт илинжида шерик бўлса, қолганларининг ҳам қурбонлиги ўринга ўтмайди. Зеро, қурбонликдан мақсад гўшт эмас, балки жонлиқни бўғизлаш ҳақидаги шаръий амрнинг ижросидир.

Қурбонлик учун сўйиладиган туя беш ёшдан, сигир икки ёшдан ошган бўлиши керак. Қўй ва эчки жуссадор бўлса, олти ойдан, агар жуссаси кичик бўлса, бир ёшдан ошгани қурбонлик учун ярайд.

Қурбонликка соғлом ҳайвонни сўйиш мустаҳаб. Мазкур

ҳайвонларнинг мутлақ кўр ёки бир кўзи кўр бўлганини, юролмайдиган даражада чўлогини, жуда оригини, қулоқ ё думининг учдан биридан кўп қисми кесиб ташланганини қурбонликка сўйиб бўлмайди.

Қурбонликка сўйилган ҳайвон гўштининг учдан бир қисмини садақа қилиш мустаҳаб бўлади. Агар қурбонлик қилувчининг оиласи катта бўлса, оиласига қолдириши мустаҳабдир. Шунингдек, мол сўйиши биладиган кишига қурбонликни ўзи сўйиши мустаҳаб ҳисобланади. Қурбонлик гўштини қассобнинг меҳнат ҳақи сифатида бериб бўлмайди.

Қурбонликка сўйилган ҳайвон терисидан рўзгор асбоблари тайёрлаб ишлатиш ё уни рўзгорда узоқ муддат ишлатиладиган асбобларга алмаштириш мумкин. Агар қурбонлик териси сотилса, пулини садақа қилиш лозимдир.

Қурбонлик сўйиши вожиб бўлган киши қурбонлик қилмаса, унинг қийматини садақа қилиши вожиб бўлади.

## Тавба

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар:

«Кимки қуёш мағрибдан чиқмай тавба қилиб қолса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади» (Имом Муслим ривояти).

«Албатта, Аллоҳ банданинг ҳали жони ҳалқумига етмасдан олдин қилган тавбасини қабул этади» (Термизий, Аҳмад, Ибн Можежа, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти).

## Илм

### талабида чиқиш

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким илм истагида йўлга чиқса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилади» (Муслим ривояти).

## Садақа

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ҳар бир мусулмон киши садақа бериши лозим», дедилар.

«Садақа қилгулик нарса тополмасачи?» деб сўрашди саҳобалар.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

«Қўллари билан меҳнат қилиб ўзи ҳам фойдалансин, садақа ҳам берсин!» дедилар.

«Ишлашга қурби келмаса ёки ишламаса, нима қилади?»

«Ночор-муҳтож кишиларга ёрдам берсин!»

«Буни ҳам қилолмасачи?»

«(Одамларни) яхшиликка буюрсин!»

«Буни ҳам қилолмасачи?» дейишди саҳобалар.

Шунда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

«Ёмонликдан ўзини тийсин! Ўша унинг учун садақадир (яъни, савобдир)», деб жавоб қилдилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Абдул Азим ЗИЁУДДИН

тайёрлади

### Хотиржамлик сири

Абу Забйа розийаллоху анху ривоят қиладилар:

«Абдуллох ибн Масъуд розийаллоху анху вафот этмасларидан сал олдин хасталаниб қолдилар. Беморни кўришга келган Усмон розийаллоху анху у кишидан сўрадилар:

— Сени нима безовта қиляпти?

— Гуноҳларим.

Жаббон деган қабристон ёнидан ўтаётганимизда, қабристонга қараб:

— Эй қабрларда ётганлар, эй суяклари чириб тупроққа қоришганлар, эй қоронғуликларда ёлғиз қолганлар, сизларда нима гап? Биздан сўрасангиз, молларингиз тақсимланди, болаларингиз ўксик ва етим қолди ва хотинларингиз бошқа турмуш қуришди. Сизларда-чи? Сизларда нима хабарлар бор? — деб сўрадилар.

### Муомаладаги эҳтиёткорлик

Ойиша розийаллоху анху ривоят қиладилар:

«Бир одам жаноби Пайғамбаримизнинг ёнларига кириш учун рухсат сўради. Расули Акрам соллаллоху алайҳи ва саллам:

— Қандай ёмон бир инсон у. Қавми ва яқинлари юзидаги доғдир,— дедилар.

Бироқ ичкарига кирганида

## АМАЛЛАР САНДИФИ

— Кўнглинг нимани тусаяпти?

— Раббимнинг раҳмати-ни.

— Сенга табиб чақирайми?

— Аслида мени касал қилган табибдир.

— Сенга бир оз маош ёздирсам майлими?

— Эҳтиёжим йўқ.

— Ҳеч бўлмаса, қизларингга берилади-ку!

Шунда Абдуллох ибн Масъуд розийаллоху анху:

— Сен қизларим камбағалликдан қийналишларидан хавотирдамисан? Мен уларга, ҳар кеча Воқеа сурасини ўқинглар, деб айтганман. Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам «Ҳар оқшом Воқеа сурасини ўқиган киши ҳеч қачон тирикчилик заҳмати чекмайди», дея марҳамат қилганларини эшитганман, — дедилар».

### Энг сара озуқа

Кумайл ибн Зиёд ривоят қиладилар:

«Али розийаллоху анху билан бирга айланиб юрар эдик.



Сўнгра мен томон бурилиб:

— Эй Кумайл, агар уларга жавоб қилиш учун изн берилганида: «Озуқанинг энг сараси тақводир», деб айтишган бўларди,— дедилар.

Бир оздан кейин эса йиғлаб бундай дедилар:

— Эй Кумайл, қабр амаллар сандигидир. Буни фақат ўлганингда биласан...»

унга очиқ чехра билан муомала қилиб, илтифот кўрсатдилар. У чиқиб кетгач, бошқа бир киши киришга рухсат сўради.

— Нақадар яхши инсон. Оиласи ифтихор қилгулик бир фарзанддир,— дедилар Сарвари олам.

Бу киши ичкарига кирганидан бундан аввал кирган одамга кўрсатилганчалик илтифот қилмадилар.

У чиққач:

— Ё Расулulloх, биринчисини ёмон деганингиз ҳолда яхшигина муомала қилдингиз. Иккинчисини яхши деб туриб, унчалик илтифот этмадингиз, — деб сўрадим. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам:

— Эй Ойиша, ёмон инсонлар орасида шундай кимсалар борки, ёмон бўлганлари учун улардан эҳтиёт бўлинади, — дея марҳамат қилдилар».

Тафсири китобларидан

**Мурод ТИЛАВ,**  
**Муқаддас БАҲРОНОВА**

тайёрлади.



# Бир саволим бор

«Ҳажжи мабрур» бирикмасидаги «мабрур» сўзини қандай тушуномқ керак. Ҳажжи мабрур қандай ҳаж?

Янгибой ЖУМАНАЗАРОВ,  
Хазорасп

**Жавоб.** «Мабрур» сўзи «якши», «риоя этилган» маъноларини билдиради. Ҳажнинг

талабларига тўла-тўқис риоя этган ҳамда адо этиш давомида гуноҳ қилмаган кишининг ҳажи «ҳажжи мабрур» дейилади. Ҳадиси шарифда шундай келган:

«Ҳажжи мабрурнинг мукофоти жаннатдир» («Минҳажусолиҳин»).



Менинг хусусий уйим йўқ, ижарада ўтираман. Аммо нисоб миқдоридаги пулим бор. Менга қурбонлик вожиб бўладими?

Бойхон УМИДЖОНОВ,  
Чироқчи

**Жавоб.** Ҳа, вожиб бўлади. Зеро, қурбонлик қилиш кунлари нисоб миқдоридаги пулга ё қиймати шунга етадиган

ҳожатидан ошиқча молга эга ҳар бир озод, муқим мусулмонга қурбонлик қилиш вожиб бўлади («Раҳд-ул мухтор»).

Қурбонлик сўйиши вожиб бўлмаган киши қурбонлик қилса, бўладими? Агар мумкин бўлса, қандай ниятда қурбонлик қилиши керак?

Йўлчи ЭРКИНБОЕВ,  
Хатирчи

**Жавоб.** Ҳа, қурбонлик сўйиши вожиб бўлмаган киши қурбонлик қилиши мумкин. Аммо қурбонликка сўйиладиган ҳайвонни вожиб қурбонлик ниятида эмас, суннат қурбонлик ниятида сотиб олиши ке-

рак бўлади. Агар уни вожиб қурбонлик ниятида сотиб олса, назр қилинган мол каби гўшtidан ўзи ва бойлар ейиши мумкин эмас. Уни камбағалларга садақа қилиши лозим («Раҳд-ул мухтор»).

Ерни ижарага олган киши ушр берадими? Музоарада, яъни, шериклик ишда ушр бериш кимнинг зиммасида?

Дамин АЛҲАМ ўғли,  
Янгиқўрғон

**Жавоб.** Ҳа, ерни ижарага олиб деҳқончилик қилган киши ушр бериши лозим. Музоарада агар уруғ ер эгасидан бўлса, ер эгаси ушр беради.

Агар уруғ деҳқондан бўлса, ер эгаси ва ижарачи ўзлари олган улушларидан ушр чиқаришлари керак бўлади («Раҳд-ул мухтор»).

Қурбонлик сўйишга қурби етмаган кишилар товуқ каби паррандаларни қурбонлик ниятида сўйишлари мумкинми?

Лочинбек ЙЎЛДОШЕВ,  
Бахмал

**Жавоб.** Йўқ, мумкин эмас. Қурбонлик кунлари қурбонлик ниятида товуқ каби паррандаларни сўйиш макруҳдир («Хулосат-ул фатово»).

Қолаверса, қурби етмаган киши қурбонликка буюрилмаган.

Жавобларни  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
тайёрлади.



Акмал АВАЗ

# УЗУК

(Етти кўринишли воқеа)

## Биринчи кўриниш

Кўчани тўлдириб отлиқ мулозимлари орасида Хорун ар-Рашид келяпти.

Икки тарафда турган оломон ичидан бир товуш янгради.

**Товуш:** Эй мўминлар амири, эй мўминлар амири, сизга топширадиган бир омонатим бор!

**Хорун:** Бу одамга йўл очинг.

**Товуш:** Ассаламу алайкум, йа амирал муъминин.

**Хорун:** Ва алайкас-салам.

**Товуш:** Сизга топширадиган омонатим бор эди.

**Хорун:** Қанақа омонат?

**Товуш:** Ҳа... Мана бу узукни сизга топширишим керак.

**Хорун:** (овози бир оз титраб): Узукни кимдан олдинг?

**Товуш:** Эгасидан, эй мўминлар амири.

**Хорун:** Эгасини танийсанми?

**Товуш:** Ҳа, узукни сизга топширишимни илтимос қилган ҳам ўша.

**Хорун** (мулозимларига): Бу одамни саройга олиб боринглар.

**Мулозимлар:** Бош устига, эй мўминлар амири.

## Иккинчи кўриниш

Саройда

**Хорун:** Яқин кел, эй киши.

**Киши:** Лаббай.

**Хорун:** Исминг нима, қаердан келдинг?

**Киши:** Исминг Абдуллоҳ, Басрадан келдим, эй амирим.

**Хорун:** Узук эгасини танийман, дедингми?

**Абдуллоҳ:** Ҳа, унинг исми Аҳмад...

**Хорун:** Аҳмад?!

**Абдуллоҳ:** Ҳа, унинг оти шунақа эди.

**Хорун:** У ҳозир қаерда?

**Абдуллоҳ:** Аллоҳ умрингизни узоқ қилсин, эй мўминлар амири, у вафот этди.

**Хорун:** Вафот этди?!

**Абдуллоҳ:** Ҳа, вафот этди. Аллоҳ уни раҳмат қилсин!

**Хорун** (салдан кейин): Эй Абдуллоҳ! Уни менга таърифлаб бер-чи.

**Абдуллоҳ:** Йигирма ёшлар чамасидаги йигит, новча, елкалари кенг...

**Хорун:** Нега менга мундай қарайсан?

**Абдуллоҳ:** Узр, амирим. Унинг озғинлигини ҳисобга олмасам, худди сизнинг ўзингиз.

**Хорун:** Бўлди, бас... Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун.

**Абдуллоҳ:** Сўраганимни айбга буюрманг, у сизнинг ўғлингизми?

**Хорун:** Ҳа, у менинг тўнғичим, суюклигим, бу ҳақда сенга айтмаганмиди?

**Абдуллоҳ:** Йўқ. Аммо бу ҳақда менга Хадича айтган.

**Хорун:** Ким у?

**Абдуллоҳ:** Тақводор, солиҳа аёл, ҳамиша ибодатда. Аҳмад шу аёлникида яшаб, катта бўлди...

**Хорун:** Гапир, гапиравер. Сен у бола ҳақда кўп нарса биласан, шекилли.

**Абдуллоҳ:** Уяламан...

**Хорун:** Уялма, борини айт,

чунки хабарларинг мен учун жуда муҳим.

**Абдуллоҳ:** Хўп... У одамларникида дурадгорлик қилиб, қунбай иш ҳақи ҳисобига яшарди.

**Хорун** (ғамгин): Ажабо, у билан қандай танишдинг?!

**Абдуллоҳ:** Бир куни дурадгор излаб, бозорга бордим, уни илк бор ўша ерда кўрдим...

## Учинчи кўриниш

Басра бозори

**Абдуллоҳ:** Сен дурадгорми-сан?

**Аҳмад:** Ҳа.

**Абдуллоҳ:** Неча пул сўрайсан?

**Аҳмад:** Уч дирҳам.

**Абдуллоҳ:** Жуда кўп-ку, икки дирҳам бераман.

**Аҳмад:** Унда бошқа дурадгор ахтара қолинг.

**Абдуллоҳ:** Кўринишинг анча заиф.

**Аҳмад:** Лекин ишни қойил-латаман, иншааллоҳ.

**Абдуллоҳ:** Унда кетдик.

**Аҳмад:** Бир шартим бор.

**Абдуллоҳ:** Хўш?

**Аҳмад:** Агар намоз вақти кирса, ишни ташлаб масжидга бораман.

**Абдуллоҳ:** Лекин...

**Аҳмад:** Кўрқма, Аллоҳ ҳақини адо этганимдек, сенинг ҳақингни ҳам адо этаман.

**Абдуллоҳ:** Шартингни қабул қилдим, кетдик...

\* \* \*

**Абдуллоҳ:** Кун ботиб қолган эди, эй амирал мўминин! Бола икки кишининг ишини қилиб қўйибди, буни кўриб, озгина пул қўшиб бергим келди, лекин бола олмади.

**Хорун:** Кейин нима бўлди?

**Абдуллоҳ:** Шундан кейин дурадгорга ҳожат тугилди дегунча мен ҳам, дўстларим ҳам шу болани ёллайдиган бўлдик. Кунларнинг бирида эшик тақиллади, чиқиб қарасам, Аҳмад турибди. Жуда озиб-тўзиб кетиб-

ди. Ўшанда рамазон ойи эди. Болани кўриб ҳайрон қолдим...

\* \* \*

**Абдуллоҳ:** Уйингга қайта-қол. Аҳмад, бугун жуда чарчаган кўринасан.

**Аҳмад:** Йўқ-йўқ, менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, озгина... рўзачилик, холос.

**Абдуллоҳ:** Йўқ, болам, уйингга кетақол.

**Аҳмад:** Агар сизнинг дурадгорга ҳожатингиз бўлмаса, бошқаникига борақоламан. Менга пул керак.

**Абдуллоҳ:** Йўқ, бугун ишлама, пулни шундоқ ҳам беравераман.

**Аҳмад:** Садақа олмаслигимни биласиз-ку...

\* \* \*

**Абдуллоҳ:** Шундай қилиб, эй амирал мўминин, болага йўқ дея олмадим, бола ишлай бошлади. Пешин вақтида ҳолидан хабар олгани ташқарига чиқсам, бола жиққа терга ботиб, ерда қалтираб ўтирибди. «Бугун ишламагин демаганмидим?» десам, «Менга бир яхшилик қилмай-сизми?» деб сўраб қолди. «Жоним билан, болам», дедим. «Мени Ҳасан ал-Басрий кўчасидаги Хадича исмли аёлникига олиб бориб қўйсангиз, уни кўрмасдан ўлиб қолишдан кўрқаман», деб илтимос қилди. Дарҳол Аҳмадни отимга миндирдим манзилига элтдим. Эшикни Хадича очди. Аҳмаднинг ҳолини кўргач, уни дарров тўшакка ётқизди...

### Тўртинчи кўриниш

**Хадича:** Эй болам-а, бугун меҳнатдан ўзингни тийиб тургин, девдим-ку!

**Аҳмад:** Ҳечқиси йўқ, она! Бекорчи ҳолимда Аллоҳга йўлиқишдан кўрқаман.

**Абдуллоҳ:** Холажон, мана бу пулни олинг, болангизнинг кунлик иш ҳақи.

**Аҳмад:** Неча пул?

**Абдуллоҳ:** Уч дирҳам.

**Аҳмад:** Онажон, бир ярим дирҳамдан ортигини олманг, ярим кун ишладим, холос. Яна бир нарса илтимос қилсам, майлими?

**Абдуллоҳ:** Бош устига.

**Аҳмад:** Онажон, бу одам солиҳ одам экан, рози бўлсангиз, унга васиятимни айтсам.

**Хадича:** Майли, болам.

**Аҳмад:** Узук қани, онажон?

**Хадича:** Мана, мана.

**Аҳмад:** Амаки, агар мен вафот этсам, бу узукни Бағдодга, халифа Хорун ар-Рашидга элтиб берсангиз.

**Абдуллоҳ:** Хорун ар-Рашид?!

**Аҳмад:** Ҳа, сизни қийнаб қўймайманми?

**Абдуллоҳ:** Йўғ-э, лекин у билан учраша олармикинман?

**Аҳмад:** Халифанинг йўлини пойлаб туриб, унга узукни кўрсатинг, у билан ёлғиз қолганингизда эса, унга: «Узук эгаси сизга салом айтди», денг...

\* \* \*

**Абдуллоҳ:** ...Ва яна дедики...

**Хорун:** Гапир, сўзла! Кейин нима деди?

**Абдуллоҳ:** Мени маъзур тутинг, амирим, айтолмайман...

**Хорун:** Айт, айтавер, кейин нима деди?

**Абдуллоҳ:** Халифага «Агар шу ҳолингга вафот этар бўлсанг, надоматинг узун, ҳасратинг чексиз бўлади. Фарзанд ҳам, мол-дунё ҳам фойда бермайдиган кунда оғир аҳволда қоласан», деб айтинг, деди.

### Бешинчи кўриниш

*Халифа хотини Зубайда билан қасрда*

**Зубайда:** Бир инсоннинг вафотига бунчалар ғам чекмангиз, эй амирим.

**Хорун:** Мени холи қўй, Зубайда. Худо ҳаққи, умрим бўйи йиғласам ҳам кам. Болам икки-уч дирҳам учун мардикорлик

қилиб юрганида, менинг хизматкорларим ҳар куни қўй сўйиб, маишат қилишарди.

**Зубайда:** Айбингиз нима? Бундай ҳаётни ўзи танлаган-ку?

**Хорун:** Қанийди вақтида унинг насиҳатларига қулоқ солган бўлсайдим-а!

**Зубайда:** У сизнинг Умар ибн Абдулазиздек бўлишингизни хоҳларди. Ахир, бунга сизда имкон йўқ эди-да!

**Хорун:** Нима бўлганда ҳам, мен унга ўша муомаламни қилмасам бўларди. Мен эсам одамларимга у билан сўзлашмасликни буюрдим. Оқибатда у ҳузуримдан қочиб, гойиб бўлди.

**Зубайда:** Бу ишингиз жуда тўғри бўлган. У, ахир, одамларни сизга қарши гиж-гижларди.

**Хорун:** Йўқ, аксинча, сен мени унга қарши гиж-гижлардинг. Чунки уни валиаҳд этиб тайинлашимдан чўчирдинг.

**Зубайда:** Ўғлингиз сингари тақводор дарвеш юрт бошида тура оларди, деб ўйлайсизми?

**Хорун:** Мен эртага Басрага, унинг қабрини зиёрат қилишга бораман.

**Зубайда:** Албатта, боринг. Шояд кўнглингиз таскин топса.

**Хорун:** Унинг онасини ҳам зиёрат қиламан.

**Зубайда:** Онасини? Онаси вафот этмаганмиди?

**Хорун:** Хотиржам бўл, Зубайда. Боланинг туққан, сен рашк қиладиган онаси аллақачон вафот этган. Мен боламга оналардек меҳр кўрсатган ўша қари, солиҳа аёлни назарда тутяпман.

**Зубайда:** Балки у билан учрашиб, суюклигингиз Аҳмаднинг онаси ҳақида биланларини суриштирмоқчидирсиз?

**Хорун:** Кундошинг вафот этганидан кейин ҳам рашк қилиб, уни сира тинч қўйма!

**Зубайда:** У унча-мунча кундошлардан эмас, мен биламанки, сиз уни, унинг муҳаббатини ҳеч унутолмайсиз.

*(Давоми келгуси сонда)*



*Амриқолик олим, доктор Н. Вўкернинг бутун дунёда қайта-қайта нашр этилган ушбу китоби ҳар кимнинг ўз дардини англашида, осон ва арзон шифо топишида ёрдам беради. Бу китоб наинки хасталикни, балки уни келтириб чиқарадиган турли сабабларни ҳам бартараф қилиб, соғлом турмуш кечиришимизда бизга холис бир маслаҳатчидир. Бу китобда тавсия этилган ўсимликлар кўп йиллар давомида амалда синаб кўрилган. Бу ҳақда нафақат хорижликларнинг, балки ўрисча нашридан фойдаланиб шифо топган кўплаб юртдошларимизнинг ҳам эътирофлари бор. Қолаверса, хилма-хил касалликларга шифо сифатида тавсия этилаётган сабзавот ва мевалар диёримизда мўл-кўлдир. Уларни қайси ҳолатда, қандай ва қанча истеъмол қилиш масаласида ушбу китоб бизга бебаҳо қўлланма бўлиши мумкин.*

*Шоядки шифо топишингизга сабабчи бўлса, деган умидда ушбу сондан эътиборан доктор Вўкернинг китобидан парчалар боса бошладик. Тавфиқ ва шифо эса Аллоҳдан.*

Н. ВЎКЕР

## САБЗАВОТ ШАРБАТЛАРИ ДАРДЛАРГА ДАВО

*Касалликлардан сақланиш ва даволашда  
улардан фойдаланиш усуллари*

### Танангиз эҳтиёжидан воқифмисиз?

Шахсан ўзимдан қиёски, янги сабзавотларнинг хом шарбатидан етарли миқдорда истеъмол қилиб турмасам, вужудимда озуканинг энг муҳим таркибий қисми бўлмиш энзимлар, яъни, ферментлар тақчиллиги сезилиб қолади.

Сизда-чи?

Қандай бўлмасин, танангизни озиқлантириш оқибатларига ўзингиз жавобгарсиз. Озуқангизда ҳаёт энг муҳим ўрин тутмоғи лозим. Бунини қандай тушунмоқ керак?

Вужудингиз миллиардлаб энг майда, яъни, микроскопик ҳужайралардан ташкил топган. Ҳаётингиз ана шу ҳужайрачаларга боғлиқ. Улар эса, озиқланишга, жонли, фаол озиқланишга муҳтождирлар. Озиқ-овқатингиз таркибидаги энзимлар номи билан маълум бўлган кўзга кўринмас махлуқча вужудингиз самара-



ли озиқланишида асосий калит бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, ўсимликлар уруғида ва новдаларида мавжуд бўлиб, инсон танасининг озиқланиши ва яшашига имкон берадиган энзим ҳаётнинг асоси ҳисобланади.

### Энзимлар

Энзимлар мураккаб моддалар саналади ва овқатнинг ҳазм бўлиб, қонга сингиб кетишига ёрдам беради. Мутахассисларнинг тасдиқлашларича, энзимлар саратон (рак) касаллиги нишонларини ҳам «ҳазм қилиб» юборар экан. Шундай экан, овқатимизнинг

оқилон ва етарли даражада танланиши, хом ва ишланмаган бўлиши маъқулдир.

Бизнинг танамизда бўлсин ёки сабзавот, мева, ёнғоқ ва ҳар хил уруғларда бўлсин, ҳаёт билан ўлим айна бир пайтда мавжуд бўла олмайди. Ҳаёт бор жойда энзимлар ҳам мавжуддир. Шу мухтасар тушунтиришдан кейин танангиз хужайралари ва тўқималарини самарали тўйинтириш учун зарур бўлган хом овқатларнигина эмас, балки пиширилган таомларни ҳам оқилонга танлай оласиз, деган умиддамиз.

Хужайраларнинг қайта бўлиниб, ўрни тўлдирилиб туриши ҳаётнинг буюк қонуни ҳисобланади. Овқатланмаслигимиз бизни ҳалокатга олиб келиши оддий ҳақиқат. Худди шунингдек, вужудимизни фойдали равишда озиқлантирадиган овқатлар истеъмом қилмаслигимиз умримизнинг қисқаришига, шу беш кунлик дунёда ҳам анча азоблар кўришимизга сабабчи бўлиб қолиши мумкин.

Ҳар куни танамизга унинг таркибини ташкил қилувчи моддаларни етказиб беришда биз вужудимизнинг бошқа қисмларига, хусусан, ақл ва жонга ҳам етарли эътибор қаратсақкина, мукамал саломатликка эга бўламиз.

Ваҳима-кўркув, безовталиқ, ғазабланиш, ҳасад ва бошқа салбий ҳис-туйғулардан халос бўлмас эканмиз, қанчалиқ сифатли ва фойдали овқатлар истеъмом қилмайлик, танамизни емирилишдан қутқариб қололмаймиз.

Инсон танаси ҳазм қилиб, хужайра ва тўқималарни тиклашга йўналтириши учун овқат, худди туз ва маъданли моддалар сингари, жонлиқ хусусиятга эга бўлиши лозим, бундай хусусиятлар эса янги, хом сабзавот ва мевалар, ёнғоқ ва уруғлар таркибида бўлади.

Кислород энг муҳим унсурлардан ҳисобланади. Аммо овқат қайнатилганда ундаги кислород учиб кетиб, 54 даража ҳароратда энзимлар ҳам нобуд бўлади ва озиқланиш учун зарур бўлган ҳаётини кучнинг катта бир қисми йўқолиб кетади.

Инсоният қарийб фақат пиширилган овқатлар истеъмом қилиб яшаб келмоқда ва, айтиш мумкинки, хасталиқларнинг мавжудлиги шу пиширилган овқат билан озиқланиш натижасидир. Амалда эса, улар таназзулга юз тутгандирларки, ўзлари билиш-билмасликларидан қатъи назар, буни улар вужудининг заҳар-


ланиши – токсик ҳолати тасдиқлаб турибди. Йўқса, нега касалхоналар беморларга тўлиб кетган, нима сабабдан ҳар йили оғриқни қолдирувчи тонналаб дори-дармонлар сотилади, нега юрак касалликлари, қандли диабет, саратон, эмфизема ва эрта қариш сингари касалликлар бу қадар кўпайиб борапти?!

Саломатлигимизни юксак даражада мустаҳкамлаш ва сақлаб туришга эришишнинг табиий йўллари кашф қилиб, бу кашфиётимизни кундалиқ ҳаётимизда қўллаш роҳатини ҳис қиларканмиз, кўпчилик инсонлар бу хусусда ўйлаб ҳам кўрмасдан, аста-секин заҳарланиш орқали заволга юз тутаетганликлари бизга ғалати туюлади. Ҳолбуки, бу борада салгина билимга эга бўлиш ақлий ва ички ирода билан уйғунлиқда уларга вужудларини барвақт ва кўп ҳолларда азобли емирилишдан сақлаб қолишга имкон берган бўларди.

Биз янги хом сабзавот ҳамда мевалардан олинadиган шарбатлар ёрдамида танамизнинг барча хужайралари ва тўқималарини керакли унсурлар ва озиқли энзимлар билан (энг аъло равишда ҳазм қилинадиган ва ўзлаштириладиган тарзда) таъминлашга қодирмиз. «Озиқли энзимлар» деган сўзларга эътибор беринг. Бу атама бизнинг овқатимиз таркибида мавжуд бўлган энзимларга тааллуқли. Танамиз хужайра ва тўқималари шунга мувофиқ тарзда ўз энзимларига эгадирки, улар истеъмом қилган овқатимизни ҳазм қилиш ва ўзлаштириш жараёнида ўзаро бирлашиб ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари танамиздаги ҳар бир хужайрада кўплаб энзимлар мужассамдир.



**Б  
О  
Ш  
Қ  
О  
Т  
И  
Р  
М  
А**



**Бўйига:** 1. Марғиновий асари. 2. Исм. 4. Элчи. 5. Бошқарув шакли. 7. Қуш. 11. Оқар сувни тўсиш иншооти. 12. Қишлоқнинг бир қисми. 14. Сура номи. 16. Тафаккур ва ... 18. Мазҳаблардан бири. 19. Сура номи. 20. Сура номи. 23. Ёқимли. 25. Иллат. 26. Ўн (арабча). 28. Туйғу.

**Энига:** 1. Ибодат. 3. Ҳисоб-китоб куни. 6. Фарз. 8. Иллат. 9. Саҳоба. 10. Охири. 12. Қўшни давлатдаги шаҳар. 13. Саҳоба. 15. Ҳаддан ташқари. 17. Бир газот кечган жой. 21. Ҳайвон. 22. Арабча "дўстлик", "яқинлик". 24. Тажвид қоидаси. 27. Ҳарф. 29. Намуна. 30. Биродарлар. 31. "Зоҳир" сўзининг ўзакдоши (арабча). 32. Аллома шоир. 33. Араб бўлмаганлар. 34. Сура номи.

**Биласизми?**

**Сандалнинг хикмати**

1738 йили машҳур ҳолланд ҳакими Герман Бурхаве вафот этгач, унинг муҳрланган буюмлари орасидан «Табобат» деб номланган қалин китоб топилди. Бу китоб кимошди савдоси билан олтин ҳисобида 10 минг долларга сотилди. Муҳр бузилиб, китоб очилганида унинг саҳифаларига ҳеч нима ёзилмаганлиги маълум бўлди. Фақат, илк саҳифада шундай сўзларнинг ўқишиди:

«Бошингни совуқ, оёгингни иссиқ тут, шунда сен энг зўр табибни ҳам қашшоқ қила оласан».

Буни қаранг, машҳур ҳақимнинг 10 минг долларлик китобида халқимиз азалдан қўллаб келган оддий сандалнинг хикмати битилган экан.

**Энг яхши дорилар**

Бир ҳукмдор табиблардан илтимос қилди: «Менга саломатлик учун зарур нарсаларни айтсангиз, токи табиб ва дориларга ишим тушмасин».

Табиблар унга қуйидагича жавоб беришди: «Бирор касалингиз бўлмаса, яна ҳам яхшироқ бўлай, деб беҳуда дори ичманг, пишиб етилмаган мевалардан еманг, овқатни майдалаб чайнашга урининг. Нимаки ёқса, ўшандан тановул қилинг, овқатдан сўнг совуқ сув ичманг, қорнингиз тўқ бўлатуриб, яна овқат еманг, кундузи овқат егандан кейин ухламанг, кечаси еганда эса, дарров ётиб олмай, бир оз сайр қилинг».